

Исроил Субҳоний

---

# БУХОРОНИНГ ЕТТИ ЮЛДУЗИ

ШЕЪРЛАР  
БАДИА

Самарқанд.  
Ғафур Ғулом номидаги  
Адабиёт ва санъат нашриётининг Самарқанд  
филиали, 1991.

## ШОИРНИНГ ИЛК КИТОВИ

---



С 4702620202—2 91

С. Исроил СУБҲОНИЙ, 1991 й.

М 352 (04)—91

15 В № 5—635—046—8

Одамнинг умри кун ва тунга бўлингани сингари ҳар бир халқ тарихи уйқу ва уйғонишлардан иборатдир. Одам уйғониб, соатиға қарагани каби уйғонган халқ ўз тарихига қарайди.

Исроил Субҳонийнинг ҳар яхши шеърида бир тиниқ кўз, бир тоза руҳ борки, бу ўша уйғонаётган халқ шоирининг руҳи ва кўзига ўхшайди. У ўз шеърларини гулга айлантириб, ўтмишга отмайди, уни асло идеаллаштирмайди, балки шоирона дид билан тарихга отилаётган тошларни сеҳрлашни истайди, токи улар осмонда муаллақ қолсин...

Агар ёзма адабиёти бўлмаган бир элатда, дейлик Шимол ёки Кавказда яшовчи қабилалар орасида Исроил Субҳонийдек шоир пайдо бўлса, бунини тасодиф сифатида қабул қилиш табиий бўлар эди. Лекин қадимий Бухоро учун Исроил Субҳоний тасодиф эмас, зарурат эди. Бизга шундай шоир керак эди, мана у — бор! Пардани баландроқ олиб, баландпарвоз сўйлаётган бўлсам, узр, чунки мен айтаётган шеърларнинг парвози баланд. Балки, аксинча, ўзимни чеклаб гапираётгандирман. Бунга ҳам ўша шеърлар сабаб: улар теран ва ортиқча мақтовга муҳтож эмасдир.

Муҳаммад СОЛИХ



\* \* \*

Кеча ариқчадан намозшом пайти  
Бир парча нон каби оқиб келди ой.  
Ва бир қиз фусункор қўшиқлар айтиб  
Челакка тўлғазди уни ҳойнаҳой.

Оқ шим кийиб чиққан дарахтлар салқиб  
Шовуллай кетдилар одамлар ҳақда.  
Э воҳ, сувнинг ярми тўкилди қалқиб  
Ойнинг ҳам ўроғи қолди челакда.

## МАҒЛУБИЯТ

Хаёл — сендан воз кечаман!  
Болалик —  
этагимдан тутиб йиглаб-ёлворди,  
Сен энди ҳеч кими ўлмаган етим,  
Сен — хивич отимнинг белида қолдинг.

Хаёл — сендан воз кечаман!

Вужудим —

муюлинида имлар мени бетоқат,  
Сочларини сийпалаб айт, кутмасин

Ортиқ

жийда остидаги муҳаббат!  
Вужудим соясидан эргашаман мен...

\* \* \*

Сен адашиб кетдинг, нигор, адашиб  
Йигирманчи аср кўчаларида...

Ёввойи бўсалар тилайди қалбим,  
Бетоқат кишнаган отдек бу лаблар.  
Нилий кўзаларда тўлмоқда сабрим,  
Айниб қолаётир сўнгги гулоблар.

Кўксимдан бошланган нафис изларинг,  
Очиб кетди кўксим ғунчаларини.  
Кел, кўксим — дунёдир,  
Тарк эт — бежирим  
Йигирманчи аср кўчаларини!

Мен ҳамон севаман сени, жонгинам,  
Ўрта асрларнинг севгиси билан...

## ОЛАМ ТАЯНЧИ

— Ер — бу кафт,  
қалтираб турган кафт.

Осмон —

Кафтга қўндирилган бир томчи сувдир.  
Биз унинг тубида яшаймиз ҳамон  
Нақадар чуқурлик, бўш, ҳаё-ҳувдир.  
Ўн саккиз минг олам бор, деб айтган сиз  
Балки бундан камдир, балки зиёда.  
Она, бўлмасмиди туғсангиз мени  
Бир қадар инсофли бошқа дунёда?!

Кимнинг кўз ёши бу — кафтдаги қатра,  
Бунчалар шўр экан таъми, мазмуни.  
Онажон, бирон кун сувсираб юрган  
Ёвуз тиллар ялаб қўймасми уни?!  
Қўрқинчли тушларга айланса дунё,  
Наҳотки, наҳотки мен ҳам ўламан?!  
— Йўқ, йўқ ундай дема, асло гўдагим  
Оғушимга олиб асраб қоламан.

## ИШҚ ИЗҲОРИ

Муҳаббатни фақат пичирлаб айтмоқ —  
пичирлаб,  
пичирлаб,  
пичирлаб...

Ва сочлар исидан тўқилар сиртмоқ —  
дорлари тепангда ғижирлаб.

Қалдирғоч тилида ўқилар фармон —  
Фармонки, басталаб қўйилган наво.  
Сўнгра оёқларинг остида не тонг  
Айлана бошлайди сенсиз бу дунё.



\* \* \*

Қишлоқ чекинмоқда — қулайди гужум,  
Дағал панжасидан судраб кетарлар.  
Теп-текис кўчалар бошлайди ҳужум —  
Бостириб келмоқда «эркатой» шаҳар.

Қудуқ тепасида ҳансирайди йўл,  
Муздай сув юзига аста босар лаб.  
Қудуқ — бу қишлоқнинг пок юрагидир —  
Телиб турибди ҳали челақлаб.

\* \* \*

Ҳар жинс ўз меҳварида  
Собит тургани мақбул.  
Эркак бўлса чиндан мард,  
Аёл — нафосатга қул.

Эркак аёллашса гар  
Бу унинг узилгани.  
Аёл эркаклашса гар  
Дунёнинг бузилгани.

## УРУШ

Уруш — қий-чув, оҳ-воҳ, тўполон,  
Еру осмон кар-соқов, ҳатто  
Кенг зал бўйлаб сачраб кетар қон  
Чидаб бергил энди оқ мато!  
Бу қандай гап навбатчи кампир  
Ақча боис кинога қўймак?!  
«Хатолар»ни кўрди-ку, ахир  
Ун олтига кирмаган гўдак.  
Филъм тугади. Сокин ҳамма ёқ,  
Чол одимлаб бормоқда секин,  
Кўлтиғида «учинчи оёқ»  
Ғазаб уни тикладимикин...

Уруш — карахт айлади мени:  
Бу одамзот йўл қўйган хато.  
Билса эди оқибатини  
Яратмасди одамни худо.

\* \* \*

Етоқхона, бекат, дов-дарахт, йўлак...  
Оқиб ўтар кўчадан илоҳий бир тун.  
Емғир шивалайди...  
Қадрдон тош ва  
Бир вақтлар муҳаббат суянган устун.

Ортимдан етаклаб бораман узоқ  
Кўчалар, чироқлар ҳамда саҳарни.  
Ниҳоят қишлоққа олиб қайтаман  
Баланд пошнали шаҳарни...

\* \* \*

Анҳорда чўмилар қайноқ балогат,  
Мармар баданларда чил-чил синар сув.  
Сийнабанд остида қийналар иффат,  
Тўлқинлар вужуди қизийди гув-гув.

Соҳилда бир дарахт,  
тагида йигит...  
Ҳали кўр бўсалар имлар бешафқат.  
Қорачиқ тубида исёнкор умид —  
ечина бошлайди шунда муҳаббат...

## СОДДА САЛТАНАТ

Яширмайман гуноҳларимни  
Бўлса, демак жазога лойиқ.  
Қандай бўлсам, шундайлигимча  
Қабул қилсин мени халойиқ!

Бездим сохта такаллуфлар-у  
Ва пардапеч адоватлардан.  
Табиатдек содда яшашга  
Ҳаққим борми, жавоб бер одам?!

Чечаклардан ўрган кулишни,  
Бўзтўрғайдан куйлашни ўрган.  
Шунинг учун табиат ерда  
Яшамакка ижозат берган.

\* \* \*

Бу қишлоқнинг ўрни ғалати, ҳайҳот  
Қабристон ортидан чиқади қуёш!  
Ажаб, шу мазордан бошланар ҳаёт,  
Теракзорда эса қораяди қош.

Бу дунёга ҳеч ким бўлолмас устун,  
Шу жумладан мен ҳам, сиз ҳам, не-не бош!  
Шу тепага дафн этурлар бир кун —  
Ўшанда тепамдан чиқади қуёш!

\* \* \*

Эй, сиз Бухоронинг паст кўчалари!  
Ҳайқиринг — эшиклар телба очилиб.  
Ки Хўжа Насриддин кезар сарсари  
Кўрмагайсиз мотам, бас, кўча бўлиб.  
Шаҳруд ариғидан аравакаш Юсуф  
Тоғиб олганидай тош қўғирчоқлар.  
Биз эшак ортидан кўтариб қий-чув  
Чопардик бир тўда «ялангоёқлар».  
Бир қултум симириб «яхтак-яхобдан»  
Бобонинг кўзлари чақнади: «Ширин!»  
Қуруқ қолмайлик деб бундай савобдан  
Ичиб тугатдик биз сувнинг охири.  
Ва бирдан...  
Бу не ҳол? Деркан: «Ё пирим!»  
Бобо ғойиб бўлди шу йўлакларда.

Кўҳна Бухорони Хўжа Насриддин  
Қолдириб кетдилар биз гўдакларга...



## КЕЧ ГУЛЛАГАН ОЛУЧА

Сен баҳорга ўхшайсан, гулим:  
Қуёшли кун, серёмғир кеча.  
Кулгуларинг ўзи бир чимдим,  
Орқасидан кўз ёш ҳам пича.  
Инжиқ бўлиб нима қиласан,  
Хархашанга тўлди бу дунё.  
Ахир ўзинг яхши биласан —  
Бу бандалар асли норасо.  
Шу оқ-ошпоқ туйғуларингга  
Арзирмиди «буқаламулар?!».  
Нима қилай, қаноти синган  
Бир қуш бўлиб учмоқда кунлар...

Яллиз териб бергим келади  
Гарчи бунга йўқ эса ҳаққим.  
Шохдан узиб қўшалоқ гилос  
Қулоғингга келади таққим.  
Тушларимда: енгимдан тортиб,  
Қош чимириб, сўнг лаб бурасан.  
Деразангнинг намини артиб  
Табассум-ла боқиб турасан...

Парвардигор, гуноҳим нима?!  
Таъқиб этар ақл миршаби.  
Борми экан бундан маҳзунроқ  
Кеч гуллаган олуца каби.  
Айт, англайин бу сирни токим,  
Балки эзгу «хато» айладинг?  
Агарчи тун оламда ҳоким  
Нечун қуёш ато айладинг?!

## ҚАДИМИЙ СЎЗАНА

Мозий оғушида оқила аёл,  
Игна билан асар битибди қаранг.  
Сеҳрли илларнинг рамзи бу хаёл,  
Лекин нечун бунда аксар қизил ранг?!  
Авлодим, сен иллар тилига ишон,  
Бу халқим юраги, манглай теридир.  
Мана бу «чизиқлар» балки Чингизхон  
Босиб-топтаб ўтган ўзбек еридир.  
Фақат идрок этгил топиб имконин  
Ҳар қалай гул эмас, бу «қизил гуллар».  
Ендирилган — «Зичи Кўрагоний»нинг  
Пинҳон нусхасидир эҳтимол булар.  
Мана бу дарёми ё Сомон йўли  
Учган юлдузларнинг излари гўё.  
Мана бу ғунчамас, бу — Сино ҳали  
Минг бир йил ахтариб топмаган гиёҳ.  
...Урушларни қарғаб аллаким йиғлар  
Худди сўзананинг бир панасида.  
Чингизхон забт этган ўша «чизиқлар»  
Кўчибди бувимнинг пешонасига...

## ОТАМГА

Етти иқлим гиёҳлари, яна турфа мавжудот,  
Ун саккиз минг қонуният, яна шунча иқтибос,  
Зарралардан тортиб маҳшар тонготаригача то  
Эмин бўлдим: бир қон оқар, ким уни дерлар: «Қасос!»

Ғиждувоний жабрлари — Исо Масиҳ жабридир.  
Мерос бўлди бизга «жабр» отлиғ кабир салтанат.  
Тош ва темир сабрлари—ҳазрат Аюб сабридир,  
О собирлар салотини—айла энди марҳамат!

Ҳашаротлар макон тутмиш тупроқ узра бу нидо,  
Қалб мулкида қарғишлардан қасрлар этар бунёд.  
Аммо «қасос» лаззатидан бағримни этма жудо,  
Бу улуғ «қарз» қиёматда қолиб кетмасин, ҳайҳот!

Бу дунёнинг ҳали ато бўлмаган Чингизхони,  
Токи руҳим қаршисида кулиб тураркан ғаддор.  
Ун минг йиллик жабрларнинг томримдаги исёни  
Кониотга ўрламакни бу кун этмиш ихтиёр...

\* \* \*

Н. Шукруллаевга

Ёмон баҳо қўйди талабасига  
Э-воҳ, ўқитувчи дарсида бугун.  
«Сталин» ва «Гитлер» сўзларидаги  
Илк ҳарфларни кичик ёзгани учун.

Эй, сиз — ер юзининг тилшунослари!  
Болани алдаманг ҳар иншосида.  
Бир умр тоқининг гўдак қалбининг  
Йўл қўйган шу содда, пок хатосига.

\* \* \*

Бир оқшом чўкади қишлоқ қўйнига,  
Оқшомки болалик эртақларидай.  
Тентираб кезаман — ўнқир-чўнқир йўл,  
Пахса уй, теракзор, тепасида ой...

Қайдандир нолакор йиғлайди сато  
Мунглуғ ҳисларимдан топгандай дарак.  
Ўша-ўша қишлоқ — ўзгаргани йўқ —  
Мана бу пахса уй, мана бу терак.

Бунда ҳамма нарса самимий, содда  
Қалбим бедазорда пича ором ол!  
Қуриб кетсин энди фирибгар шаҳар  
Асир этсин фақат севимли хаёл.

Бунда тўйиб-тўйиб ўкирмақ мумкин  
Майсалар устига чалқанча ётиб.  
Тўлин ой юзига тикилмоқ мумкин —  
Ой эса фалақдан таънали боқиб...

Ой эмас, бу ўшал маҳзун чехрадир,  
Бир умр қидириб топган хазинам.  
Қувончлари — менинг бахтиёрлигим,  
Азоблари — менинг азобим, санам.

Дерлар, Одам Ато қавурғасидан  
Ул Момо Ҳавони яратган эгам.  
Шундан ҳар кимсанинг ўз қавурғаси...  
У балки менингдир, менинг қавурғам.

Во ажаб, бу қандай мислсиз азоб,  
Қалб қуши потирлар — қафасда бойлиқ.  
Эҳ, гўзал туйғулар ҳаққи-ҳурмати  
Нима деса-десин, майли ҳалойиқ!

Бизниқидир осмон, қуёш, юлдузлар,  
Меники шу олам, шу тенгсиз чирой!  
Бахтиёр кезаман — ўнқир-чўнқир йўл,  
Пахса уй, теракзор — тепасида ой...

## ДЕНГИЗ ТУБИДАГИ БУЛОҚ

Қирғоқлари ҳад-ҳудудсиз денгиз қаърида,  
Ўт-ўланлар оғушида кўз очди булоқ.  
Уммон бунёд бўлган эди тоғлар қоридан,  
Чашма эса мисли замин кўзи ўлароқ.  
Булоқ суви чучук —  
Денгиз шунинг қасдида  
Ютмоқ истар эди уни жунбушга келиб.  
Булоқ эса тошиб-қайнар уммон остида  
Асрлардан қолган шўрни покламоқ бўлиб.  
Бир замонлар бунда қайнаб улкан булоқлар  
Денгиз суви ширин бўла бошлаган эди.  
Бироқ уммон балчиқлардан ясаб «лой тоғлар»  
Бу «кўзларни» буткул кўмиб ташлаган эди.  
Мана тағин булоқ...  
Денгиз кўммоқ қасдида  
Қирғоққа бош урар экан ғазабга тўлиб.  
Тиниқ чашма тошиб қайнар уммон остида  
Асрлардан қолган шўрни покламоқ бўлиб.  
Бир пайт тинди ва ниҳоят булоқ қайнаши.  
Балчиқлардан лойқа денгиз тин олар, бирдан --  
Унинг билан бекинмачоқ гўё ўйнашиб  
Қайнаб чиқар булоқ энди бошқа бир ердан.  
Боз олишув давом этар уммон қаърида  
Лек булоқни маҳв этолмас баҳайбат денгиз.  
Чунки уммон бунёд бўлган тоғлар қоридан,  
Чашма эса ер фарзанди — қудрати тенгсиз...

## БУХОРО «ШАШМАҚОМИ»

Хали дунё мусиқаси бундай тоғни кўрган йўқ,  
Оҳанглардан бунинг каби азим сарой қурган йўқ,  
«Панчатантра», «Илнада», «Шоҳнома» ҳам — бир олам  
Хатто шулар «шашмақом»га росмана бўй берган йўқ —  
Бухоронинг «шашмақом»и шундай улуғ ҳайкалдур,  
Икки дарё орасида ёниб турган машъалдур.

Жафо чеккан халқлар ичра жафокаши бу Турон,  
Аҳмонийлар, Искандар-у, Қутайбаю, Чингизхон —  
Талаб кетди, талаб этди, сўнгра кетди нимталаб,  
Таланган халқ юрагида пайдо бўлган зўр вулқон —  
Бухоронинг «шашмақом»и шундай улуғ ҳайкалдур,  
Боболарнинг қони билан суғорилган пайкалдур.

Ким яратди, қай улуғ зот, авлодлар унга илҳақ,  
Ким мусиқий салтанатда экан ҳокими мутлақ,  
Бу — пинҳоний ибодатдир, пинҳон тутдилар номни,  
Ижод қилган, ижро этган, фарёд чеккан бутун халқ,  
Бухоронинг «шашмақом»и шундай улуғ ҳайкалдур,  
Дойра каби юракларга тоб бергувчи манқалдур.

Бухоронинг осмонига қўйилган олти устун  
«Шашмақом»дир, «шашмақом»дир, «шашмақом»дир,  
«шашмақом».

Устунларни қорачиғдек асролмасак биз бутун  
Ёпирилиб устимизга осмон олар интиқом.  
Бухоронинг «шашмақом»и шундай улуғ ҳайкалдур,  
Унга сайқал бераётган ўзимизнинг «Сайқал»дур.<sup>1</sup>

---

<sup>1</sup> Бухородаги «Сайқал» мақомчилар ансамбли назарда тутилади.



## ШИРИН БИБИ МУНОЖОТИ

Ғар руҳингни покламоқ эрсанг,  
Қабристонни қилгил зиёрат!

«Имом ҳожат барор» оромгоҳи пештоқи-  
даги ёзув.

Ҳожат барор, мадад беринг, мададкор  
Таъқиб этар мени макруҳ қадамлар.  
Улар, улар ўзларини бемалол  
«Пайгамбар» деб эълон этган одамлар.

Ҳожат барор, мадад беринг, мададкор  
Дор остидан қочган ўша — «гуноҳлар»  
Не таажжуб — ниқоб айламак даркор  
Менинг холис қадамимни сўроқлар.

Ҳожат барор, мадад беринг, мададкор  
Алоҳида дўзах лозим уларга.  
Зеро, алар ҳаддан зиёд шум, маккор  
Жаҳаннамда имкон топар куларга.

Ҳожат барор, мадад беринг, мададкор  
Таъқиб этар мени ҳаром нигоҳлар.  
Йўлларимда илон каби нобакор  
Бўй чўзади ювилмаган гуноҳлар.

Ҳожат барор, мадад беринг, мададкор...

## ХУҶА ИСМАТ БУХОРИЙ

Қабрлар гуноҳсиз, қабрлар беайб  
Одамлар гуноҳкор эдилар, айтинг!  
Каломлар бежирим, саломлар хуш таъб,  
Қадамлар шум, мурдор эдилар, айтинг!

Начора, бақамти ётурсиз бунда  
Гўдаклар қаҳрига қолганлар билан.  
Тобора тупроққа ботурсиз бунда  
Бетаҳорат намоз олганлар билан.

Хўжа Исмат бобо, айтинг, бўлди бас  
Дарз кетсин майлига сиз ётган қабр!  
Зеро, ҳануз тирик, парча нон эмас  
Ал-ғазалга ҳасад қилганлар, ахир!

Хўжа Исмат бобо, айтинг, қай йўсин  
Бу гардун юзига тортдилар ниқоб?!  
Илм ила саргашта донога — тўзим,  
Нодонга айш инъом этдилар шитоб.

Хўжа Исмат бобо, айтинг бир ғазал  
Ғазалки, англатсин холис дуони.  
Мен эса кафтимни очиб бу маҳал  
Юзларимга тортай ушбу дунёни!

## АМИР ТЕМУР МУНОЖОТИ

Мен ярим дунёни сарбасар этдим,  
Битта юрак билан, бир қилич билан!  
Тангрим бандасини дарбадар этдим.  
Битта оёқ билан, битта ўч билан!

Беадоғ юртлардан қайтдим Ватанга  
Битта сўқмоқ билан, битта йўл билан.  
Амрим шу: солингиз мени кафанга  
Битта вужудим-у, битта қўл билан.

Битта эди, шаксиз менинг қисматим,  
«Мен осилган дорлар» нақадар баланд!  
Йўқ, асло ўлчаманг буюк хизматим  
Битта ўлим билан, битта жон билан.

Наҳотки осмоним бўлар қоронғу  
Битта Искандар-у, бир Чингиз билан!  
Наҳотки излайман биёбонда сув  
Бир жуфт дарё дағи бир денгиз билан?!

Эътиқод — дунёнинг таянч нуқтаси!  
Мен унга эҳтиром келтирдим бажо.  
Ал-қасос — биттаси, Ватан биттаси.  
Биттаси — пайғамбар, биттаси — худо!

Эй, номи маҳшарга кетган салтанат!  
Темурланг сўзим бу, тингла бадиха:  
«Киндик қон» сўрайди абадул-абад,  
Ҳар битта одамдан ҳар битта воҳа.

Таажжуб ноўрин,  
Гумонлар хато,  
Тавалло қилурман, амр қилурман:  
Остимда бир замин, тепамда худо,  
Яккаю ягона Амир Темурман!

## ГУЛБУТТА

Боғда гуллар бир-бирига мақтар исини  
Аммо ариқ ёқасида, улардан четда —  
Она инжиқ ва эркароқ кенжа қизини  
Уйдан қувган каби турар ёлғиз гулбутта...  
Бу кеч ёмғир савалади оқ чечакларин  
Шўх, ўйноқи баргларида қатра-қатра ёш.  
Тўй тонгида ҳовлисида айрилган келин  
Шундай йиғлар ҳам аччиқ, ҳам ширин беқнёс.  
На қилсин у, шохларида жунун барқарор,  
Эркалиги бонс қувиб солди она боғ.  
Ахир, жунун — баҳор ичра яна бир баҳор  
Наҳот бу ҳол сенга мубҳам бўлди, она боғ?!  
Қўй, йиғлама тонгдай оппоқ гулбуттам менинг  
Мақтайверсин, майли гуллар фасохатини.  
Нисор айлай шу истиғно туришларингга  
Етти иқлим гулларининг назокатини.  
Гуллар сени «ёввойи» деб писанд қилмаслар:  
«ёввойи гул, тикапак гул, қоч бундан нари!»  
Ахир, улар қайдан билсин, улар билмаслар —  
ёввойилик — гўзалликнинг илк белгилари!  
Мажнун шохлар—нафосатнинг зўр исёни бу,  
Оқ чечаклар — муҳаббатнинг мангу саволи.  
Тик қоядан сакрамоқни чоғлаган оҳу  
Шохларига гул илашиб қолган мисоли.  
Нега йиғи, шунчаларми, йиғмоқигинам,  
Сендан ўзга севарим йўқ оппоқ фаришта.  
Энг бебаҳо туйғуларим суврати бўлиб  
Нима етсин, рўпарамда шундоқ туришга!

Ҳозир сенга кўмиламан, сени қучаман,  
Боғда гуллар алам билан кўтарсин фарёд!  
Ҳозир сенга айланаман, муаттар чаман,  
Ҳозир менга айланасан — гуллар самовот!

Тафовут йўқ табиатнинг хилқатларида  
Неки мавжуд — мавжуд эмас, мавжуд фақат сир.  
Ойдин руҳим нечун сенга талпинар бу дам?  
О балки у сирни сенда кўрмоқда ҳозир...

## ГУЛЖАБИННИНГ ИЗТИРОБЛАРИ

### 1

Оҳ, келди у, боғқўчага келган бу ўша,  
Қўшнаида «Дилхирож»ни чалган бу ўша,  
Оҳ, бибижон, ўлибманми уни танитай,  
Бу ўша най, ўша-ўша, менга таниш най —  
Қўлқарида уни ютиб олган, бу ўша.  
Изи беринг, вой нимадир, бу, иби-иби,  
Гар чиқмасам ўлиб қолгум, ўлиб, «қизбиби!»

Сизга айтсам, бибижоним, дилбар аёлсиз,  
Дунёдаги энг ақлли соҳибжамолсиз,  
Бир умрга остонангиз гардини олай,  
Тегрангизда гир айланиб парвона бўлай,  
Маликан дилоромим, ўтинчим ёлғиз  
Изи беринг, вой нимадир бу, иби-иби  
Гар чиқмасам ўлиб қолгум, ўлиб «қизбиби!»

Ахир, бу йил ўн еттига кираман тўлиқ,  
Токайкагача битта қизга пўписаю-дўқ?!  
Ҳамон таъқиб, ҳамон дашном, насихат ҳамон,  
Нега энди бобожоним сизни бир замон  
Тулпоридида обқочгани эсингизда йўқ?!  
Изи беринг, вой нимадир бу, иби-иби  
Гар чиқмасам ўлиб қолгум, ўлиб, «қизбиби!»

Юрагингиз муздай қотиб кетганми ёхуд,  
Нега бунча дилгинамни қийнайсиз, ёху!  
Касд қилгандек нимадандир доим норози...  
Вой, бибижон, нечун тинди қўшнаи овози.  
Наҳот, наҳот мени ташлаб кетиб қолди у?!  
Изи беринг, вой нимадир бу, иби-иби  
Гар чиқмасам ўлиб қолгум, ўлиб «қизбиби!»

Биласизми, сизни ёмон, ёмон кўраман,  
Сиз золимни одамларга айтиб бераман!  
Қочинг дейман, яхшиликча, қочинг йўлимдан,  
Қўйинг мени, э худойим, тутманг қўлимдан!  
Ё бўлмаса кўкрагимга пичоқ ураман!  
Вой, бибижон, атроф нега бунча қоронғу?!  
Ичим ёниб кетаяпти, дод, ичгинам, сув...

2

Оҳ, бу нечук садо эрур, адо айлади,  
Адойи жон адосини садо айлади.  
Бевафоким, бир юракка жафо айлади,  
Жафо айлаб туриб кимга вафо айлади?!  
Кел, оҳужон, кел дардимга шериккинам бўл,  
Улар бўлсам жафосидан, тириккинам бўл!

Қўшни қишлоқ томларида ғужгон болалар,  
Сурнайнинг шўх навосидан шодон болалар,  
Сочганлари сочқи эмас, кўз ёшим бўлар,  
Наҳот сизга етиб бормас оҳу нолалар!  
Кел, оҳужон, кел дардимга шериккинам бўл,  
Улар бўлсам жафосидан тириккинам бўл!

Нечундир ой кўринмайдир — ой ҳам йитдимми?!  
Ё уни ҳам ширин сўзлар асир этдимми?!  
Қўшни қишлоқ осмонига бориб етдимми!  
Теракларим, нега жимсиз: ой ҳам кетдимми?!  
Кел, оҳужон, кел дардимга шериккинам бўл,  
Улар бўлсам жафосидан, тириккинам бўл!

Пахса уйнинг бўғотига эгилган олма,  
Мевалари тағларига тўкилган олма.  
Қўй, қайтадан у кунларни ёдимга солма.  
Ҳамма кетди, бир сен қолдинг, қатордан қолма!

Кел, оҳужон, кел дардимга шериккинам бўл,  
Улар бўлсам жафосидан, тириккинам бўл!

Кел, оҳужон, фақат сенга йўқ эҳтимолим,  
Фақат сенга юрагимни этурман холи,  
У ёмон де, у ёмон де, ҳой айта қол-ей  
Ва айт: уни муҳаббатнинг тутгай уволи!  
Бунча ҳуркак бўлмасанг-чи, ела қолсангчи,  
Кел оҳужон, оҳугинам, кела қолсанг-чи...



## ҒАЗАЛ

То танингда минг бир иллатдан бириси бордур,  
«Гули сурх»дек зўр тамошо ўлса ҳам бекордур.

Инчунин ғавғо солурсен бунча ағёр дастидан  
Ўз ичингга бир назар сол — беҳисоб ағёрдур.

Бу тириклик боғида беҳишт кабини қил ато  
Шунда ҳам йўқсул яна бир парча нонга зордур.

Аҳли ошиққа васл не — тарки ишқдир, бу кўнгил —  
Бенаводир, бесафодир, бедаво бемордур.

Жонини жабборга берган ул бободоҳқонни кўр —  
Бир масал такрордурким: «Эҳ, бу рўзғор—ғордур...»

Сув тубинда бори заҳматни-да илмоқ чекса ҳам  
Сиртида ўйнар пўкакдан барча миннатдордур.

Сен аруздан беҳабар Субҳон, уётинг борму ҳеч?!  
Қўй қаламни, ким Навоий руҳлари бедордур!

\* \* \*

Фалакнинг бир қарич чегараси йўқ,  
Бу қадар чеқсизлик надир, ажабо!  
Худо ҳақи, мана шу оғилхона  
Ортида тўсатдан тугамас дунё.

Оламда чегара йўқдир ва лекин  
Ўлим — чегараси ҳар бир банданинг.  
Менинг эса кечиб ўтгим келади  
Бу шўрлик, бу хароб кулбани...

# Муқаттаот

(Туркумдан)

Бу кеча бир туш кўрибман, бир ғаройиб туш эмиш,  
Ким тушимда қуш кўрибман авжи ғижжак устина.

Тумшуғи тиллодан эркан, бошида «фаввора»си,  
Хониши ҳам гоҳи «дугоҳ», гоҳи чаҳ-чаҳ устина.

Бандаи ожиз саросар «Бахт қуши» айлаб гумон  
Ўт қўйиб бердим жамики шубҳан шак устина.

«Бахт қуши» эрмас экан бу, айла Субҳон тарки хоб!  
«Бахт қуши» бўлса қўнурми йўқса эшшак устина!

\* \* \*

Нодон, жоҳил ила олишмоқ абас,  
Зеро, унда бўлмас сира андиша.

Шинани тошга ур ё шишага тош  
Алқисса, барибир синади пиша.

\* \* \*

Не саодатки, ингорим мақсудимга қўндилар —  
Оғушимда бир қучоқ гулхан мисоли ёндилар.

Бу сулув ой оразидан Мосуво киприкларим  
Оқибат ой сиртига мисли фазогир қўндилар.

\* \* \*

Бир оёқни ерга қўйсанг, бир оёқни қирга қўй  
Зора «амринг» бўлса вожиб, тушса кўнгил жойига.

Бир оёқни қирга қўйсанг, бир оёқни тоққа қўй  
Балки нокас бандаларнинг ботмагайсан лойига.

Бир оёқни тоққа қўйсанг, бир оёқни ойга қўй,  
Токи минбаъд кўз аларнинг тушмасин авзойига.

Бир оёқни ойга қўйсанг, бир оёқни кунга қўй  
Ҳойнаҳой, шунда етурсан Мир Алишер пойига.

### МУРАББАЪ

Юзинг	гоҳо	ой	мисоли,
Гоҳо	мутлақ	қиёси	йўқ.
Ой	қиёси	кун	адоси
Мисоли	йўқ	адоси	йўқ.

### ДУДОҚ ТЕГМАС<sup>1</sup>

Ер агар жон теграсида сочини дор айласа,  
Оғушини кўҳна зиндон сингари тор айласа,  
Садқан жон, ул дудоғинг сиррини ошкора эт  
Исроилни не десанг де, шунда инкор айласа.

<sup>1</sup> Ушбу рубоий ўқилганда лаблар бир-бирига тегмайди.

\* \* \*

Ваҳ, қачонки Мирзо Бедил  
Қаламини юргизар —  
Қоғоз узра парвардигор  
Жамолини кўргизар.

Ким баҳрасиз ўтди ундан  
Хоҳ шоҳлик мазҳабидур.  
Бу — мурдани ювмай туриб  
Дафн этмак кабидур.

\* \* \*

Субҳоний, кутмагил, умидингни уз,  
Қайси паривашки, жафо қилмағай!  
Тиззангни қучоқлаб айш сур, нечукким  
Тиззангдан ўзгаси вафо қилмағай.

\* \* \*

Ўзим пиёдаман-у, ғазалим от устина,  
Гўё мен бир отбоқар, гўзалим от устина,  
«Пиёда» юриб-юриб, иттифоқо бахт кулиб  
Фарзинга чиқса не тонг магар шаҳмот устина.

\* \* \*

Хой, кўчада сандирақлаб юрган ит  
Менга сени «зоти олий» дедилар.  
Ахир, ота-боболаринг аён-ку  
Адашмасам, улар ҳам ит эдилар.

\* \* \*

Кимлардир шаҳрини боғу роғ этган,  
Кимлардир кулини кўкка совурди.  
Кимлардир тошлардан санъат яратган,  
Кимлардир санъатни тошга эвирди.

\* \* \*

«Сўрганнинг-да айби йўқ», эй, ёр битта муччи бас,  
Зеро: «кимсанинг ризқи ҳеч кимга nasib этмас».  
Боқ, ҳажрингда манглайни шудгор айладим қат-қат  
Гарчанд бу масалдурким: «шўр ерда экин битмас».

\* \* \*

Қўй, қаламни қийнама озурда Субҳоний, магар  
Икки-уч танбеҳ эшитки, назмият қилдинг ният.

Бу жаҳонда икки лаззат манбаи зоҳир эрур  
Маънавият нашъаси олдида ҳеч жисмоният.

Рух қанот боғлар қачонким тангри бирла яккасен,  
Зотан ижод— ҳаққа интилмакка хуб имконият.

Бунда сурат моҳиятдан чалғитар афсун мисол  
Не синоат эрса воқеъ— муштарак бир моҳият.

Илло санъат ичра тақлид, бу—бировнинг кўрпаси,  
Ким бировнинг кўрпасига аҳли фаҳш киргай фақат.

Ўзгалар ёққан чироқ— бегона нурга боқса ким  
Рашки зўр кўз нуридин айрилгусидур оқибат.

Аста айтмоқ гар иложи бўлса қичқирмоқ нечун?!  
Ё раб, ул ўтру мушуклардек аюҳанноси бад!

Бу каби шеър узра пашша ҳалқаси даввордур,  
Пашшанинг таъмаси эрса барчага маълум сифат.

Лозим эрмас мўл-кўл айтмак, боқ бу ошиқ ҳолига  
Ёри ранжиб қолмасин деб лафзида минг азият.

Сўйла андоқ мисраеки, гар юлинса битта сўз  
Тирқираб қон сачраса юлғон ериндин бездад.

Бовужуд танҳо ўтинчи банданинг — соғлом муҳит,  
Зеро, шам ёнмоғи душвор гар ҳаво беофият.

<sup>1</sup>Тортонакка қил ҳавас, хуллас, маҳорат бобида  
Ул каби оддий ғубордан беқиёс санъат ярат...

---

<sup>1</sup> Тортонак — ўргимчак.

## ЎЗБЕК ХАЛҚИГА

Халққа унинг буюк фарзандлари орқали  
баҳо берадилар.

Расул ҲАМЗАТОВ.

«Оқ уй», «Кўк уй»ларга қилмасман аччиқ,  
Ўткинчи дунёнинг савдолари бу.  
Халқим, бағринг қанча бўлмасин очиқ  
Айтурларки, сени илитмиш уйқу.

Сен — руҳсан, ким руҳлар ҳамиша уйғоқ,  
Тўртта мудроқ касни баҳона қилиб  
Номингни ислодга қўймоқчи қай зот?!  
Нақадар бемаъни, ажнабий қилиқ!..

Бу найранг, жигарим, ҳийлаи бебок  
Арзимас кўздаги аччиқ ёшинга.  
Ахир, бунақалар тарихингда кўп:  
Қанча Чингизхонлар ўтди бошингдан.

Ким бўлибди тўртта «хунарманд сағир»,  
«Атом-патом»ларга банди ўргимчак.  
Тўрт минг йил муқаддам бу ҳақда, ахир  
Яратган эдинг-кў энг содда эртак.

Бошингда Навоий руҳлари бедор,  
Бедил маҳзанига қулоқ тут, талпин!  
Айланиб чиқ дунё сатҳини юз бор  
Амин бўлажаксан — мумтоз бу қалбнинг!

Мумтоздир сендаги имон, мурувват,  
Хокисор туйғулар, одамий мезон.  
Ўзга сайёрадан гар келса хилқат  
«Ўзбек» десаиң англар — ким, надир инсон.



«Шашмақом» бу — руҳий парвоздир демак,  
Инсон шаъни унда белгилидир, хос.  
Жаҳон, жаҳон бўлиб бошқа ҳеч бир халқ  
Бунчалар юксакка қилмаган парвоз.

Фақат бир нарсада гина-гузора:  
Тобакай андиша қийнар жонларни?!  
Магар йўқотмасанг — тинчинг йўқ сира  
Ўз ичингда юрган — «чингизхонларни».

## ТЕМУРНИНГ ҚИЛИЧИ

Темурнинг қиличи бўлсайди манда  
Йўқ, шеър ёзиб юрмас эдим ўшанда,  
Ҳар битта побакор, ҳар осий банда  
Ёвуз чағалини чўзиб турганда —  
Темурнинг қиличи бўлсайди манда!..

Юрагида на бир эзгу эътиқод,  
Бўм-бўш калласида на адно савод,  
Рўпарамда турган бу ҳайвонваш зот  
Одамийлик даъво қилмоқдаки, дод —  
Темурнинг қиличи бўлсайди манда!

Шунча ҳам бўлурми тубанлик магар,  
Фаросат илмидан буткул беҳабар.  
Бандаси паст кетар наҳот шу қадар,  
Тупурдим!  
Тупурмас эдим бу сафар —  
Темурнинг қиличи бўлсайди манда!

Тағин зиёли деб алқайди номин,  
Зиёли зотидан қайтди имоним,  
Қайдасан, қалби пок бободехқоним,  
Гапирсам, қайтага оғрийди жоним —  
Темурнинг қиличи бўлсайди манда!

Гўё чарх ушмундоқ яратилгандек,  
Гўё нарх — савдога қаратилгандек,  
Бундайга қор қилмас на гап, на танбех,  
Танбехга ҳожат ҳам қолмас эди, эҳ —  
Темурнинг қиличи бўлсайди манда!..

Менга айт ростингни — одамми ўзинг,  
Балки иблисдирсан, балки бит, кана?!  
Афту башарангни кўргали кўзим,  
Отгани ўқим йўқ, алайҳилаъна!

Имон сўрамайман, имон на қилсин,  
Хатто одамликдан турибсан таниб,  
Қўй бошқа гапларни, хайрингни берсин,  
Азбаройи савоб — ўзингни танит!

Ит бўлсанг — итлигинг майли аён эт,  
Бир тукингни юлсам чоқилсин қўлим.  
Баттар бўлмайсанми, фақат баён эт:  
Сендан нечун ҳурқар, ҳаттоки ўлим?!

Ё тавба, хилқатинг бунчалар мавҳум,  
Бунчалар бўлмасанг ножинс, ноҳалол?!  
Бир қарасанг — мардум қатори мардум,  
Бир қарасанг — кўкдан ёғилган бало!

Агар кўзинг бўлса — чиқмасми кўзинг,  
Агар мурданг бўлса — ўлмасми яна!  
Менга айт ростингни — одамми ўзинг,  
Балки иблисдирсан, балки бит, кана?!

«СЕХРЛИ ҚАЛПОҚ» ёхуд  
ривоятнинг давоми <sup>1</sup>

Ҳайдаркокил жунг-жанглар мотамсара  
Йўл оларкан Эдил дарёси томон,  
Таклиф тушди: «Эсдаликка дашт аро  
Битта манқурт қолдирсак, бўлмас ёмон .  
Шоядки ул ўз-ўзидан кўпайса:  
«Териқалпоқ усулини билмасанг,  
Башарти сен уни манқурт қилмасанг,  
Қалпоғингни олиб қўяр» деб айтса  
Ажаб эмас йўлида учраганни  
Ўзидек то манқурт қилмаса қўймас.  
«Мен — инсон, онг, хотираман» деганни  
Бамисоли кўр қурт қилмаса қўймас,  
Унутилар шунда тарих, тариқат,  
Унутилар не-не зотлар, асрлар.  
Лекин биздан ёдгор бўлиб то абад:  
Қолса не тонг шундоқ мажруҳ насллар!...»

Жунг-жанг аҳли рози бўлди бу гапга,  
Ҳар жиҳатдан мос манқурт сайладилар.  
Ва шу буюк, поёнсиз дала-даштга  
Бир манқуртни подшоҳ айладилар.  
Дарҳақиқат, ким йўлиқса дафъатан  
Тап тортмай ул манқурт қила бошлади.  
Не бошларга туянинг терисидан  
Териқалпоқ тикиб ила бошлади.  
Авжи офтоб, бандалар ётар беҳуш,  
Бошларини эзғир янги «саллалар».  
Бу дунёни айлар эди фаромуш  
Териқалпоқ кийган ушбу каллалар.

<sup>1</sup>Чингиз Айтматовнинг «Асрни қаритган кун» романидаги Манқурт афсонаси назарда тутилади.

Сўнгра қалпоқ учун борди «улуғ жанг»,  
Зеро, қалпоқ эди олий моҳият.  
«Хукми ҳакам» эди бу, аҳли жунг-жанг  
Тақдир қилиб кетган ягона қисмат.  
«Бир-бирининг тағига сув қуярди»,<sup>1</sup>  
«Қалпоқ» учун бунда неча-нечалар.  
Кўз очмасдан териқалпоқ киярди  
Манқурт тугул ҳатто манқуртваччалар.  
Билниҳоя ушбу чексиз дашт аро  
Найдо бўлди бутун бошли қабила —  
Хотирадан тамом маҳрум ва гумроҳ,  
Тамом айри диёнат-у қалб ила.

Бир кун бобом сўйлаб берган эдилар  
Ишком қирқиб, гулқайчи қўлларида:  
«Бетавфиқдан куйма, ўғлим — дедилар, —  
Қачонлардир Туркистон чўлларида  
Бир ёввойи қабила бўлган экан:  
Фақат суврат бобида одамга хос  
Зотан ҳайвон қаторида саналган  
Ким уларни аташар экан «Наснос».  
Урғочиси эмиш инсон ошиғи,  
Ўлса, ҳатто «инсон» деб ўлар экан.  
Кўрса, олиб қочар дарҳол, очиғи  
Олий шараф — ундан болалар экан.  
«Наснос» дейди алам билан халойиқ  
Гар йўлиқса имонсиз, гўл, дайдилар.  
...Қабиладан эса ном-у нишон йўқ  
Ер юзига тарқаб кетган, дейдилар...»

---

<sup>1</sup> Абдулла Оршовдан.

## ҚҰҒИРЧОҚ ТЕАТРИДАГИ МОЖАРО

Йигитликнинг ҳавасига етмас ҳеч нима,  
Бу кўнгилга писанд эмас минг панд, минг ўғит.  
Бамисоли уммон ичра адашган кема —  
Азми шаҳар айлади бир қишлоқи йигит.

Анча кезди — музқаймоқ еб, учди чархналак,  
Шаҳарликдай оёқ ўйин ҳам ташлаб кўрди.  
«Мамарайим, бир келдик-да, айланиб фалак...»  
Деб қўғирчоқ ўйинига ташриф буюрди.

Ҳар улуғ иш ибтидоси дерлар бир сабаб,  
Алалхусус кўнгил иши — эмас ҳувайдо.  
Бизнинг йигит юрагида шу ўйин тугаб  
Қўғирчоқсиз ҳунарига ишқ ўлди пайдо.

«Бу дардимни кимга айтай» деганларидек  
Излаганда топилмаскан битта халоскор.  
Ҳали унга, ҳали бунга «мани эшит» деб  
Билниҳоя қабул қилди уни режиссёр.

«Ҳим, — дер эди режиссёр ҳам тингларкан бот-бот,  
Дардинг улуғ кўринадир бизнинг назарда.  
Бунинг учун лозим аввал ноёб истеъдод,  
Ўқиб келмоқ керак, сўғун катта шаҳарда.»

Йигит ҳам бўш келмас эди: «Ўқиш нимаси,  
Ким мустақил мутолаа — ҳақиқий таълим.  
Истеъдод ҳам топилади менда, чамаси..  
Истеъдоднинг ўзи ахир аввал муаллим.»

У деса бу, бу деса у дер эди йигит,  
Хуллас кенгаш чақирилди — энг сўнгги чора:  
«Бу кўнгилга писанд эмас минг панд, минг ўғит,  
Бир имтиҳон қилайлик-чи, қутулсак зора...»

«Қани, — деди бош режиссёр, — бир акиллаб бер,  
Бизга керак гуржи итнинг тунда увлаши».  
«Бир ҳанграб бер» — деса бири, бири «маъра—дер, —  
Хўроз билан товуқ қандай «қағ»лар қувлашиб?»

Йигит увлаб, ҳанграб, маъраб, «қағ»лаб ҳам кўрди,  
Тўкиб солди бисотида неки бор имкон.  
Бош режиссёр бош чайқади, лабини бурди:  
«Йўқ, биродар, қобилият йўқлиги аён.

Сен нақадар акиллама, ҳанграма бирдак  
Одамлигинг шундоққина билиниб турди.  
Бизга эса истеъдодли «ит», «эшак» керак  
Мисол учун мана мундоқ», — деб роса ҳурди.

«Балки лозим, — деди йигит, — инсон овози,  
Зап чиройли товушим бор, ашулам пайров».  
Бу гапга ҳам бош режиссёр бўлмади рози:  
«Одам эмиш, одамлигинг ўзингга сийлов.

Бунни саҳна дейди, ука, санъат аталур.  
Бунда ҳар ким иқтидори бўлар намоён.  
Турфа ҳайвон ролларини бажармоқ зарур,  
Бу саҳнада «ит» бўлиш ҳам эмасдир осон...»

Ана энди булҳавас ҳам чўкдилар бари,  
Йигит кўнгли бир ҳикматни туйди шу асно:  
Ҳар банданинг бўларкан ўз ўрни, меҳвари,  
Ким азалдан ҳисоб-китоб экан бу дунё.

## АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ

Агар Қодирийнинг ёлғиз тилини  
Дафн этишсайди бешон, бедовруқ.  
Шул қабр устига ҳурмати учун  
Шубҳасиз, кўтарган бўлар эдим туғ.

Бу тилнинг мазаси, ажабланмасдим  
Улдириб қўйганда асаларини.  
Бийрон ўқир экан, ҳатто соқовлар  
Абдулла Қодирий асарларини.

Ахир Қодирийнинг ширин тилидан  
Тилини тишлаган булбуллар қанча.  
Бариси ушбу кун — «қодирийшунос»,  
Қолиб кетаверди чаҳ-чаҳлаганча.

Агар юрагингни нокас бандалар  
Булғаса, ўртаса ва этса горат.  
Қодирийни ўқи — «Ўтган кунлар»-у,  
«Меҳробдан чаён» бу — руҳий таҳорат.

Ва агар туғилиш қисмати менга  
Раво кўрса эди гайр элини.  
Айнан Қодирийни ўқимоқ учун  
Ўрганган бўлардим ўзбек тилини.



## АБДУРАУФ ФИТРАТ МУНОЖОТИ

Ҳой, исқирт, ярамас, алдамчи руҳлар,  
Азбаройи худо тинч қўйинг мани!  
Бағримни пахтадай мулойим ўқлар  
Етмасмиди шунча қиймалагани!

Мен ўзимни ўнглаб олмоғим даркор  
Бу фирибгар очун истибдодидан.  
Қўллаб юбор мени Мағоки аттор,  
Қўллаб юборсанг-чи харобот Ватан!

Ҳақ Турдай улуғвор, ҳам гулдай нозик,  
Тупроқдай хокисор, эй, менинг руҳим!  
Гоҳ дуркун қиз каби кўзлари сузук,  
Гоҳ ўжар сарбадор, эй, менинг руҳим!

Ғазавот онидир, алдамчи руҳлар  
Қаро панжасидан қутулмоқ они.  
Ҳайҳот, томиримда табакай ухлар  
Ота-боболарнинг муқаддас қони!

Икки буюк дарё — томирларимга  
Дунё чархпалаги ўрнатилсаю,  
Айт, қулдай букилиб сиғиндим кимга,  
Худодан ўзгаси тепамда ким у?!

Ҳой, исқирт, ярамас, алдамчи руҳлар,  
Азбаройи худо, тинч қўйинг мани!..

## САВОБ

Абдулла ОРИПОВга

Кимсасиз саҳрода адашган одам  
Йўлиқди чоққина тош сардобага.  
Ҳар ён аланглади, сув йўқ, лек шу дам  
Кўзи тушди унинг бир офтобага.  
«Бу савоб баройи ҳақ-оллоҳ» дея  
Кимдир шул чойдишни қўйиб кетибди.  
Ҳатто бир четига «Абдулло» дея  
Исми-шарифини ўйиб кетибди.  
Чанқаган йўловчи сувдан симириб,  
Ниҳоят топаркан дардига малҳам.  
Муртига илашган сувни сидириб  
«Худога шукур» — дер, — «Абдуллога ҳам...»

## УЧИНЧИ МИЛЛАТ

Сен на рус, на ўзбек, на форс, на араб,  
На ҳинди, на фаранг, на бошқа хилқат.  
Магар икки миллат бўлса бир тараф,  
Сен ўша бетайин учинчи миллат.

Сенда на Батаи бор, на тарих, на руҳ,  
На бир муқаддас сўз, на қодирн ҳақ.  
Саробга сиғиниб яшайсан ёху!  
Тириклик — муаллақ, маъно — муаллақ!

Навойи — бетаъсир, Ҳофиз — бедахл,  
Ҳазрат Толстой ҳам шунчаки граф.  
Сен мансуб минтақа анвойи фасл,  
Тўрт томони қибла — номаълум тараф.

Луғатингда йўқдир «илдиз» деган сўз,  
Вазнсиз, оёғи осмондан ҳолот.  
Кўз-қошинг бўлса ҳам мавжуд эмас юз,  
Таваллуд аён-у, маълум эмас зот.

Беш сезги аъзони чалғитувчи куч,  
Етти иқлимда йўқ антиқа гуруҳ.  
Одамзот бошига тушган бу азғич  
Режангда йўқ эди пайгамбари Нух.

Ё тавба, бу қандай мавжудот иши,  
Ўз «ўқи»дан чиқиб кетмоқда юрак.  
Одамзот, учинчи жаҳон уруши  
Эҳтимол, эҳтимол шу бўлса керак.

## ЎТТИЗ ЕТТИНЧИ ЙИЛ...

Наслу насаби паст янтоқфурушни  
«Халойиқ-ул-олампаҳо» қилдилар.

Зоти бузуқ, авом от ўғрилари  
Имонни Сибирга қулоқ қилдилар.

Йўқсуллик йўқолиб, яшади қуллик  
Тарзини сал бошқачароқ қилдилар.

Найза билан милтиқ аъмол белгиси,  
Гарчи «Болға билан ўроқ» қилдилар.

Турондай Ватанни ит қопган гадоё  
Халтасидек ола қуроқ қилдилар.

Неки муқаддасдир, фаҳмига етмай  
Бир кўз билан боқиб қароқ қилдилар.

Икки йилда «Хамса» додини берган  
Зеҳну заковатни чўлоқ қилдилар.

«Қизил хужжати йўқ, ёт унсур» дея  
Баҳоваддинни ҳам сўроқ қилдилар...

## БУХОРОНИНГ ЕТТИ ЮЛДУЗИ

Қадим Бухоронинг осмони баланд,  
Қалдирғочлар яйраб зерикмас, ҳатто  
Учиб ўтганини аниқ кўрганман  
Сеҳрли гиламда чол ибн Ҳаттоб.  
Бибиш кампир шоҳи рўмол учуда  
Туғиб қўйган сирли топишмоқларни,  
Фаришта лайлакнинг оппоқ тушида  
Кўринган Бухоро қучоқларини  
Куйламоқ истайман, дўстим, ҳамиша  
Чашман Аюбнинг сувидан ичиб.  
Бухоронинг етти юлдузи эса  
Фалак оғушидан кетмагай учиб...

\* \* \*

Ҳали қуримаган кипригида ёш,  
Ҳали ўн саккизи уни этмай тарк,  
Бухородан Сино олиб кетди бош —  
Оҳ, дарбадар бўлди ўша кун — Шарқ!

\* \* \*

Шахруд ариғидан ғазаллар оқиз,  
Устод Рўдакийдан хотир бу ариқ.  
Ёраб, шу кўзларга санчилди бигиз —  
Кўр бўлди ўша кун, кўр бўлди тарих!

\* \* \*

ПетербурҒ. Кўчалар. Бегона наво —  
Йўқ, унутмас ҳамон улуғ сиймони:  
Дониш елкасига опичлаб, яёв  
Бухорога олиб қайтди «дунё»ни...

Етмиш беш йил ўтар, ўтар ҳадемай  
Гўдак чол тусига кирар бир карра.  
Айний шонасида тинч ухлаёлмай  
Тўлғаниб чиқади етмиш беш дарра.

\* \* \*

Тарих кечирмасман, унутмам сира  
Уста Ширин чеккан қийноқларини:  
Воҳ, шамшир тушдию панжаси узра  
Чумчуқлар талади бармоқларини...

\* \* \*

Лабиховуз ичра жимирлайди сув,  
Йўқ, сув эмасдир бу, сув эмас, ахир!  
Бу Хўжа Насриддин яратган кўзгу —  
Унинг кулиб тўккан кўз ёшларидир.

\* \* \*

Юлдузлар ҳисобсиз кўкда, ҳайтовур  
Мунажжим зикр этар холис тикиб кўз:  
Коинотнинг яланг — оч бўғзидадир  
Ҳали кашф топмаган — Еттинчи юлдуз!

---

<sup>1</sup> Бухоро амирларининг буйруғи билан Ибн Сино Бухородан бадарға этилган, Рўдакийнинг кўзларига нил тортилган, Айний етмиш беш дарра урилган.

<sup>2</sup> Аҳмад Донишнинг Петербургдан глобус олиб қайтгани назарда тутилади.

# Бармоқдаги ғазаллар

## 1

Кўзларинг кўзимга кўринди осмон,  
Кўзларинг қароси — тутилдими ой?  
Ортингдан «ноғора чалса» оломон  
Ўксима, боиси шудир, ҳойнаҳой.

Кўзларинг кўзимга кўринди уммон,  
Кўзингда хас кўрдим — тушдими қайиқ?  
Бўйида бир қатор қармоқ намоён —  
Гоҳ тортиб қўярлар, гоҳ эса чайиб.

Кўзларинг ё магар оташми, жонон,  
Четида фол очиб бир тўп «қаландар».  
Эмишки, бўсадан чиқармасак қон  
Дард чекар ажина чалган бадаллар...

## 2

Чамамда кечикмай келдим, лобарим  
Келганим боиси — «қовун пишиғи».  
Икки карж ҳандалак сенинг лабларинг  
Ҳандалак бўлса ҳам фақат кичиги.

Аммо мен қўрқаман — шираси баланд —  
Сал татиб кўрсам-у келса ажалим,  
Ул ширин васфини куйлаб туриб ҳам  
Ҳандалак мисоли ёрилди тилим.

Анжирдай уларни ишқалаб кўриб  
Ўрганиб оларман йўриқларини,  
Фақат сен қаршимда қаҳ-қаҳа уриб  
Кўрсатмай қўя қол «уруғлари»ни.

## 3

Лабдаги холингдан ўзим, нигорим  
 Хол десам, холинг ҳам учраган экан:  
 Ишқингда қон бўлиб кетган жигарим  
 Лабларинг устига сачраган экан.

Бир қатра қонимни атасанг «хол» деб,  
 Мен ўша атаган тилингдан ўлай!  
 Гар беғиниб олсанг — холингдан таниб  
 Минг сулув ичидан ахтариб топай.

Фақат сен аён эт, бу қандай тугун  
 Шул жимит нуқтада мухтасар олам.  
 Тасвири холингни туширмақ учун  
 Етмайди — минг битта Шерозий

гилам...

## 4

Бу қулгич қулмайин туролмасми, ҳай  
 Жон келиб бўғзимга тиқилди-ку, боқ —  
 Бир икки ютиниб қўйиб, аллақай  
 Жонимга ҳомила туғибди томоқ.

Қаҳрли бетларга кўниккан кўзим,  
 Бу янглиғ жодуга беролмагай тоб.  
 Юзларинг мен учун дарён назм,  
 Ва қулгич жонима хатарли гирдоб.

Башорат дегани чинмикан, қайдам...  
 Хар қалай нимадир бор тушларингда,  
 Лекин бу муҳаққақ — қачон бўлса ҳам  
 Мен чўкиб ўламан қулгичларингда!



## 5

Бу қош эмас эркем, қошларинг санинг  
 Бирам ўз-ўзини айладики фош:  
 Қанотига олиб икки чашмани  
 Пешонангга қўниб турган қалдирғоч.

Ваҳ, мани кўрдию, ҳуркиб, ваҳмали  
 Пир-пир учиб кетмоқ истади учиб.  
 Унга айт, кўнглига берсин тасалли  
 Бир қултум чашманинг сувидан ичиб.

Яна айт, жонгинам, сирли энтикиб  
 Қайга ҳам учарди — ёзиб қулочин?  
 Кўзларим устида салобат тўкиб  
 Безовта пайт пойлаб турибди лочин!

## 6

Қудогинг остига шивирлай десам  
 Зулфинг буй чўзади — гап пойлагани.  
 Содир бўлмасин деб ажиб ҳодиса  
 Бир соқчи эмиш у — ҳой-ҳойлагани.

Қоф—ўзим, нун—бу зулф, ўртада — алиф  
 «Қон» бўлиб кетганим ўзингга аён.  
 Бир бало турғазиб қўймаса ҳали  
 Сочингга илашиб олган бу чаён.

Шу зулфинг қасдига қилсам бир ўйин  
 Қатагон этмакка етарми кучи?!  
 Менингча, маст бўлиб қолиши тайин  
 Чаккангда булбулдай сайраса муччи!

Сочми бу, соч эмас, соч бўлмаса не?  
 Яланғоч шонагда тўзгиган фарёд.  
 Қўйнимга шовуллаб, йиғлаб киргани  
 Соч эмас, соч бўлса йиғларми, ҳайҳот!

Истиғно ислари ширин туш каби  
 Етти осмонимни тўлдирди гулга.  
 Шунда хаёлларим уқпар қуш каби  
 Сочларингни ин деб  
 тушди занжирга.

Бўлди бас, айта қол, паймона тўлган  
 Ахир, бисотимда бир дона юрак.  
 Дунёда, сочинг деб сочини юлган  
 Мен каби девона бўлмаса керак.

\* \* \*

Бу —

улкан севгилар қошида ҳавас,  
 Ўзимча севаман, чун ютаман қон.  
 Сен Гули эмассан, Шаҳина эмас  
 Ва мен ҳам шунчаки — Исроил Субҳон.

# Қушлар дунёсига саёхат

(«Фауст»га иқтибос)

Нозим: Улуғ зотиниң олий мақом кавкаби  
Қалбимда уйғотди бегидир ҳавас.  
Илло, қуёшли кун шам ёққан каби  
Ундан нуска олмоқ мақсудим эмас.

Занжирбанд тасаввур, чўлоқ шуур-онг  
Чекиниң бир нафас кўздан нарига.  
Мақону замон йўқ, зероки инсон  
Қалбининг самовий кенгликларида.  
Пайдар-пай алмашиб унда фасллар,  
Илоҳ дарбозаси очилгани чоқ:  
Гўзаллик тангриси бақамти келар  
«Бахт» деган тушунча ўлур бахтсизроқ.  
Азбаройи нашъа қилган иноят  
Фано туйғулари йиртарлар яқо.  
Қўшиқ куйламаслик сўзсиз жиноят,  
Қилни қирққа ёрган тафаккур — соқов.  
Худбинлик ҳислари топаркан барҳам,  
Афсонавий кучдан беришар дарак.  
Офарин табиат, офарин қалам,  
Офарин худолар макони — юрак!

\* \* \*

Шох-шабба ташланган ўра остида  
Бир қари сиртлонким, ғажир устихон.  
Ушбу чоҳ дунёдир унинг наздида  
Оҳу тафаккурни ютгувчи қопқон.

Магарким қафасда воқеъ эмасдур  
Жонон қушчалар-у, меҳригиё ун.  
Шубҳасиз, бу фақат қуруқ қафасдур,  
Мутлақ ҳақиқат деб атамоқ печун?!

\* \* \*

Моҳият, моҳият, тағин моҳият...  
Бу ҳақда ўйламоқ мен учун азоб.  
Китоблар ҳар ёққа судрайди, фақат  
Қалбим дунёдаги энг дилбар китоб.

Танбурнинг энг нозик пардалари ҳам  
Қалбим торларидан кўра дағалроқ...

\* \* \*

Йўқ бўлиб кетасан бир кун арвоҳдай  
Майда хаёлларнинг гирдоби аро...

Алданган умидлар йиғлайди юм-юм  
Ёвуз башаралар рўпарасида.  
Худди қолмагандай дунёда ҳеч ким,  
Фарқ йўқдай одам ва ит орасида.  
Шу асно улуғвор виждон наъраси  
Дунё гумбазида янграйди мағрур:  
«Бошингни кўтар эй, одам боласи,  
Ҳар қандай ҳашарот зотига тузур!  
Улуғ боболарнинг мададкор руҳи  
Токи муқим экан қалбингда сенинг.  
Мангу музаффардир, йўқдир адоғи  
«Инсон» деб аталмиш олий шукуҳинг!»

Фақат сиз тарк этманг гуркираб турган  
Эй, олий тилаклар ва муддаолар.  
Мурғак юрагимга ташриф буюрган  
Умримнинг мазмуни — ойдин худолар!

\* \* \*

Оҳ, митти юрагим!  
Сени қачон ҳақорат ва таҳқирлар  
ботқоғидан халос этиб,  
Бошим узра қуёш қилиб кўтаргум!

60.

\* \* \*

Менинг тўғримда ёмон фикрларга бориш —  
Гуноҳ!  
Гуноҳга ботманг одамлар!

\* \* \*

Иблис: Маълум бўлсин дунёвий ишлар:

Шу сен гавҳар атаган тишлар  
Аслида жўи устихон бари,  
Вазифаси — чайнамак — емак.  
Сон-саноқсиз асаб иплари  
Тушовлаган оқ отлар демак.  
Ақл эса — чавандоз басдир,  
Аниқроғи аробакашдир!  
Бу қонундир, қонуни ҳакам,  
Отлар чошиб турмаса агар  
Тирикликнинг аробаси ҳам.  
Таққа тўхтар, ўлим муқаррар.  
Мана — инсон, мана — моҳият,  
Оллоҳнинг ҳам шул қонуният,  
Юрак дейсан — ўтлуғ, бокира  
Гўё унда пинҳон эмиш кўй.  
У — еб тўймас ошқозон узра  
Қурбонликка келтирилган кўй.

Нозим: Мангу юксак чўққиларни кўзлаган одам  
Ҳеч бўлмаса оғилхона томига чиқар.  
Ки ҳар қалай муфассалроқ кўринар олам,  
Ё баҳарнав тоза ҳаво олиб энтикар.

Иблис: Чўққиларни кўя тур, эй хомхаёл шоир  
Қуш бўлолмас у ҳар қанча ирғиган билан,  
Шижоати белигача, кифтигачадир  
Лек бандаси сакрай олмас ўзидан баланд.

«Халқим» дейсан, унда юксак туйғулар нетар?  
Пинак бузмас ёниб кетса ҳамки юртлари.  
Бир ҳамлада рафторини тамом унутар  
Бамисоли қарағайнинг ипак қуртлари...

Нозим: Ё худоё, бу қандай қурт, нечун ҳақорат?!

Иблис: Бу шундайки—тизилишиб бақавли кареон  
Ўтлоқ сари йўл олғувчи ғирт бефаросат,  
Фаҳмсиз қурт «халқи» эрур...  
Башарти «сарбон»

Энг охирги қурт думига келтирилса, бас  
Ажаб бир ҳол рўй беради: кетишар олға!  
Аслидачи битта ерда саргашта, пайваст  
Ва умрбод айланади бу шўрли халқа!

\* \* - \*

Нозим: Эҳ, кўзгу қанийди ҳар тонг сенингдек  
Ул пари васлига бўлсам мушарраф.  
Гоҳо сен тиззида ўлтирганингдек  
Тиззамда ўлтирса кокилин тараб.  
Сувратингга келар жуда ҳавасим  
Булоқ суви каби покиза дунё.  
Ҳақиқат тимсоли бу сен, азизим,  
Сенда эриб кетар ҳар қандай рўё.

Кўзгу: Менга ҳам осон деб ўйлама инсон,  
Ҳар нарсанинг бўлар хусусий дарди.  
Дейлик, бир нобакор бўлди намоён  
Шубҳасиз, сен ундан нари кетардинг.  
Мен эса бағримга олишим зарур  
Ҳар қанча бўлмасин ғилай ё пучуқ.  
Бойси — оғушим белоён эрур,  
Сабаби юрагим барчага очиқ.  
Ҳар ким менда кўрар фақат ўзини,  
Ўзидан ташқари чиқолмас ҳеч ким

Бузиб кўрсатурлар биров юзини  
Фақат ўша қийшиқ «оғайниларим».  
Улар бу ҳаётни мазах билурлар,  
Хунукка эвириб қайрилмақошни.  
Нурларин жиловлаб, зоҳир қилурлар,  
Жуда кичрайтириб, ҳатто қуёшни.  
Бағоят доғули ва беандиша  
Улар ижод этган ҳийлаи санъат.  
«Кулгу хонаси» деб аталган гўша  
Шундайлар макони — доруссалтанат.

Нозим: Қудуқ эмиш, қуриган қудуқ  
Эмиш унда ноз-неъмат пинҳон.  
Тубида сон-саноқсиз туйнук  
Ҳар биридан чиққанмиш илон.  
Бу маҳлуқот тирилиб-ўлиб  
Неъматларни буткул кемирди.  
Ожизлари бир четда қолиб  
Зўравони роса семирди.  
Бир пайт боғбон қопқани очиб  
Ахли қишлоқ буни кўрди-ку.  
Илонлар тумтарақай қочиб  
Туйнукларга ўзни урди-ку  
Ҳар бир тешиқ — муқаддас паноҳ,  
Туйнук учун қирғин-барот жанг.  
Озгинлари қочдию аммо  
«Аждаҳолар» ҳоли бўлди танг.  
Паншахани узатиб боғбон  
Битгасни олганди ушлаб  
Бари келди мисоли арқон  
Бир-бирининг думидан тишлаб,  
Эҳ, нималар кирмайди тушга  
Барчасида сир-синаот бор.  
Келарканмиз субҳидам ҳушга  
Чалғиб кетар яна эътибор...

\* \* \*

Иблис: Аслида зулматдан иборат очун,  
Қуёш ва юлдузлар мустасно ҳолат.

Нозим: Лекин сайёралар яшамоғи-чун  
Биргина қуёш ҳам қилур кифоят.

\* \* \*

Иблис, бу дунёда иккимизнинг ҳам  
Мавқе баробардир, рафторимиз бир.  
Сен сувратда гўзал, мен-чи сийратда,  
Сенинг аслинг — фасод, менинг аслим-нур.

Лекин ҳеч ўкинма бундан биродар,  
Фаҳму-фаросатда «тенгсиз» оломон,  
Сени нур атайди менгзаб қуёшга,  
Мени эса фасод қилади гумон.

Ўртамизда фақат битта тафовут  
Бизни ёлғиз шундан айро қилурлар.  
Ким билсин шунда ҳам эҳтимолим бор  
Оё билолмаслар, оё билурлар.

Дейлик, Мир Алишер келдилар бу кун  
Ўхшаб шу замоннинг даҳоларига  
Мен дарҳол этакка ёпишиб олгум  
Сен эса... ҳазратнинг яқоларига.

\* \* \*

Қай бир хонадонки манзилинг санинг  
Қайда паноҳ топдинг чиқариб ишқал.  
Меҳробни муътабар китеблар қолиб  
Ишғол этар ирқит махси-қадиллар.  
Маънавият — касод, жаҳолат — улуг,  
Ҳар учраган нодон сўзадир панд.



Олма ўғирлаб сўнг халойиқ қувган  
Безори боладек бунда донишманд.

Лек мени ўртаган бошқа бир туйғу,  
Бошқа бир ҳасратдан адо бу юрак.  
Сўнгги нонимгача олдинг-ку тортиб  
Хўш, сенга не керак, тагин не керак?!  
Ажаб, чувалчангдан сассиқ попушак,  
Кучуклар сўнгакдан топганда ором,  
Сенга кулли азоб бераётган не?  
Бу қандай туйғудир, нечоғли ҳаром?!  
Гўзалликка ўчман, гуноҳим шуми?  
На қилай ушмундоқ яратган эгам.  
Қалбимда оламгир уфқлар ёқиб  
Ва сенинг измингга қаратган экан.  
Хар қалай нима бу, алайҳилага  
Намунча ичингда ёнмаса алам?!  
Ёхуд қаламимдан чекдингми озор,  
Ахир, ўзинг «пешво» соҳиби қалам.  
Мудом дой чапламоқ севган хунаринг,  
Бу очиқ кўзларга мудом кум сепмоқ.  
Бунинг эвазига андак тасалли,  
Бўғизгача ҳузур-ҳаловат топмоқ...

Сенга аён бўлсин битта ҳақиқат,  
Бемаҳосил эрур барча-барчаси:  
Кора сурқадилар бетига, вале  
Кўзгуга айланди шиша парчаси.

\* \* \*

Табиатдек содда яшаш олий аъмолим,  
Орзуларим мазмуни ҳам яна табиат.  
Бу дунёда қолмас эди зарра армоним  
Магар қушлар дунёсига қилсам саёҳат.

## Чўли ироқ

Бул саҳифа танда руху, қон эрур,  
Унга ҳамроҳ хуш наво пинҳон эрур.  
Десаларки, жонга ҳамроҳдир бу куй,  
Дема ҳамроҳ, балки айнан жон эрур.

Нажмиддин Кавкабий Бухорий,  
«Мусиқа ҳақида рисола», XVI аср.

Машҳур Лабиховуз Девонбеги...

Бу ерда етти иқлимдан келтирилган анвойи гуллар йўқ.  
осмонида афсонавий қушлар учмайди, беҳишт дарахтлари  
ўсмайди, ҳовуз ичидаги обизамзам эмас — сув...

Лекин райҳон бор, яна лайлак ҳам бор, бунинг устига  
шри бадавлат момотутларни айтмайсизми!

Уша етти иқлимдан келтирилган анвойи гуллар ораси-  
да сенинг гулинг бўлмаслиги мумкин. Бироқ сен ариқча-  
дан ҳатлаб, чорбоққа чиқ: қачонлардир ота-боболаринг  
экиб кетган гуллар оғушида уни учратасан. Фақат шунинг  
си ачинарлики, сен бу гулнинг ҳатто қандай аталлиши-  
дан ҳам буткул беҳабарсан. Ҳечқиси йўқ, қайғу чекин —  
абас, энг муҳими илдиз бутун, илдизлар эса номсиз-иш-  
шонсиз ҳам яшайверадилар.

...Одатда афсонавий қушлар, гарчи олтиндан бўлса-да  
— қафасда сақланади. Сенинг қушларинг эса озодликда  
учади. Сен уларни тумшугидан эмас, кўпроқ қанот қоқи-  
шидан танийсан, чунки озод қанотлар ҳеч қачон сени ал-  
дамайди.

...Дунёдаги барча муқим дарахтлар «Ватан» деган ту-  
шунчанинг мислсиз ҳайкаллари дир. Ҳайкалларга эса фа-  
қат сажда қилиш керак. Бир умр бир ерда қотиб тургани

учун эмас, мабодо довул турса қочиб кетмагани, одамлардек юриб билган тақдирда ҳам қочиб кетмаслиги боис. Акс ҳолда улар ҳам Бухоронинг сўнгги амири Саид Олимхон сингари:

Амири беватан зору, ҳақир аст,  
Гадо гар дар Ватан мирад — амир аст!<sup>1</sup>

дебон фарёд чекиб, бу бефаво дунёнинг устидан лаънатлар ўқиган, Ватан тупроғини кўзга сурмайи Сулаймон қилишдек буюк армон исканжасида оламдан ўтган бўлишарди. Бинобарин, дунёдаги барча тирик ҳайкаллар — табаррук она замин кўксидаги баҳри азим дарахтлардир.

Алқисса, ана шу гуллару лайлақлар, зилол сувлару, момотутлар оғуши — Лабиҳовуз Девонбегида тумонат одам йиғилди. Бундан уч кун муқаддам машҳур ғижжақчи Улмаас Расул «Чўли ироқ»ни чалиб беришга ваъда қилган эди. Дарвоқе, сиз уни танимасиз? Агар у найчалса — ноласи сел бўлиб, тунги Бухоро кўчаларини ювиб кетади. Шунда кўз ёш орасидан Минораи Калонга қарайсиз: у сим-сим эриб, қалқийди. Ва, агар унинг ғижжақи фиғон чекса — Минора тепасидаги лайлаққа разм солинг: у ҳам бир оёғини иккинчисига суриб, жўр бўлади. Ваҳ, унинг танбур чертганида бош тебратмаган Минорами?! Фақат бу Минор ҳар қандай куй ва ҳар қандай ижрога ҳам бош тебратавермайди. Бу ҳодиса фақат ҳар юз йилда бир марта содир бўлади. Яқинда Улмаас Расул бир куй чалди: Минора бош тебратди, фақат буни одамлар зилзиладан деб ўйлашди.

Хуллас, уфқ қизариб, беҳудуд осмону фалакка турк тилинда битилган «Хамса» кўтарилди ҳам, аммо созандадан дарак бўлавермади. Шу пайт кимдир: «Ана у келаяпти, — деди ҳовлиқиб, — иби, ғижжақ қани?!» Ғижжақ расули Лабиҳовуз шоҳсупасидаги чорсуга омонатгина

келиб ўтирди-да, бошини кафтлари орасига олиб, чуқур хаёлга чўмди. Ўзи нима гап? Бир зум қотган халойиқ орасида гала-говур бошланди. Аён бўлишича, ғижжак қочиб кетган эмиш!.. «Қаёққа?», «Ким билади, дейсиз, кейинги пайтларда нолаю афғони ҳам бошқача эди». Халойиқ тарқалишни ҳам, тўзимасликни ҳам билмай турган бир пайтда тагин ғаройиб воқеа юз берди: эгнида қизил мовут чакмон, оқ дасторли, мош-гуруч соқоли кўксига тушган бир қария Шаҳруд ёқалаб келарди. Бир қўлида асо, иккинчисида аллақандай ғижжак кўтариб олган бу нуроний чол мазкур музофотда «Бухоро допишманди» дея эътироф этилгувчи — Абу Ҳафс Кабир Бухорий эди. Катта-кичик унга йўл бўшатди. Допишманд ғижжакни созанда қўлига тутқазиб, бўлган воқеани сўзлаб беришга тутинди:

— «Қуръон» тиловати ила машғул эдим. Иттифоқо эшик очилиб, ҳужрага бир ғижжак кириб келди. Ғалати меҳмоним ҳали остонадаёқ арзи ҳол қила кетди: «Мана бир печа йилдирки, Ўлмас Расул томирларимга эгов суриб, жонимни қийнайди, додимни самога етказди. Дунёда мен қилмаган нола, мен чекмаган алам қолмади. Бу ҳам етмагандек, бугун менда даҳшатли «Чўли проқ»ни чалишга қарор қилдим. Қайси гуноҳларим учун бу кўргулик, бу ситам?! Улуғ допишманд, кўмак беринг, фақат сиз мен ул «золим» чангалидан қутқара олурсиз. Ҳазратим, ҳузурингизга нажот истаб келдим...».

Ана шунда унга бир печа танбеҳ ўқини тўғри келдики, пировардида айтдим: дард — имонни чақиради, масал борким — дардсиз эшик, нурсиз кесак. Агар созанда бар моқлари нуқул қуйи пардаларингни босиб, томирларингга «эгов» сурса — табиийки нолаю фиғонинг ҳам чархи гардунли чулғайди ва бу эл дардига ҳамоҳанг моҳият касб этади. Энг муҳими сенда виждон пайдо бўлади. Халқ таҳсинига сазовор бўлишинг ҳам шундандир. Ва ба-

шарти ул созанда бунинг акси ўлароқ фақат юқори пар даларингги силаб-сийпаласа — товушинг йўғонлашиб, ҳеч кимни менсимай қўясан. Бу ҳолда сенда кибру ҳаво пайдо бўлади ва эл қарғишига учрайсан.

Донишмандга офарин айтиб, томошагоҳ чайқалди. Чор теvarакда илҳақ нигоҳлар... Ўлмас Расул гижжагиши тиз засига олар экан, беадаблиги учун унинг қулоқларини бир-икки бураб қўйди-да, енгил куй чала бошлади.

...Айни навбаҳор. Зарафшоннинг қизғиш, лойқа суви Шаҳруд ариги орқали Девонбеги ҳовузини тўлдирган, момотутлар шохларида чуғурчиқ қушларнинг виж-виж сайраши авжига минган палла.. Халойиқ ушбу куй таъсирида сумалаклар эриб, дарахтлар куртак оча бошлаганини, ҳовузнинг лойқа суви аста-секин тиниб, тиниқиб бо раётганини кўриб, созандага салламно ўқиди. Ҳовуз бетиде сузиб юрган оппоқ булутлар қирғоқдан тошиб чиқмоқчи бўлар, қалдирғочларни тўлғоқ тутар, париваш қизлар хонатлас кўйлаклари остиде алланималар ғимирлаб юрганини пайқаб, қийқиришарди. Куйнинг сўнгги оҳанглари гижжак торларидан узилиб, ҳавога парвоз қилганида табиат ғалаён оғушида эди.

«Бизнинг ҳаётимиз, — деди куй тингач Кабир Бухорий, — кулгу билан йиғи ўртасидаги масофада жойланган бўлиб, кулгу зўрайганда масофа қисқаради ва оқибат йиғига айланиб кетиши мумкин. Ва ёхуд бунинг акси ўлароқ — ҳаддан ташқари йиғи кулгу сарҳадларига олиб боради. Дорбоз бўйнида осиглиқ туморда фақат бир калом битилган: «Мувозанат!» Бу ҳаётнинг гаровидир. Башарте дорбоз осмонга қараб юрса — муқаррар йўлдан озади, ерга қараб юрса — боши айланиб кўзи тинади — иккаласи ҳам фалокат. Фақат тўғрига қараб юрмоқ мувозанатни таъминлайди. Куйлар — баайни дорбоз қўлидаги лапгар эрур: бир учиде шодлик тароналари, иккинчи учиде ғамандух оҳанглари барқарор.

— Халойиқ, — деди шунда донишманд чуқур тин олиб, — «Чўли ироқ» Мовароуннаҳр халқларининг муштарақ дарди, буюқ изтироби, ҳазрати инсон қалбида кечадиган юксак туйғулар силсиласидир. Айни пайтда у мисли кўрилмаган мусиқий обида, улуғ маданият меваси ҳамдирки, биз ота-боболаримиз яратган бу ва шу сингари мўъжизалар билан чексиз ифтихор этамиз.

Мовароуннаҳр халқи... Бир эмас, икки эмас, етти «жаҳон уруши»ни кўрган халқ бу! Уни кимлар таламади! Ҳар бир талончи қўлидаги нонидан олдин — китобини, ичиб турган сувидан аввал — танбурини, бошидаги дўппи си қолиб — қаламини тортиб олишга ҳаракат қилди? Нега? Чунки бу халқнинг буюқлиги, муқаррар унинг маънавиятида эди. Ҳар бир халқ маънавиятига эса ўша жамоанинг нимага сиғинишига қараб баҳо бериш мумкин: Аллақандай «қўғирчоқлар-у», «сувратлар», турфа «ашё» ва «ҳайвонлар» эмас, тириклик манбаи — қуёшга топинган жаҳоний дид-фаросатга эга халқ бу! Бинобарин, ҳозир эътиборингизга ҳавола этилажак куй ана шу юксак маънавият маҳсули, балки унинг битта нақшинкор устуни дир!».

Ҳозир бошланади... Ана сөзанда қўлидаги камонғижак боши узра жаллод шампири янглиғ кўтарилди. Ҳозир нимадир, тасаввурга сиғмас ҳодиса рўй беради. Оҳ... Бошланди! Бошланди...

«Ҳой, мусулмонлар, тўхтаг, нима қилаяписизлар, ахир! Отларнинг туёқлари остида замин ларзага келарди. Яланғоч шамширларнинг жаранг-журунги аёллар ва гўдаклар чинқириғини кўмиб юборувчи ёвуз, совуқ, маҳобатли қаҳқаҳа бўлиб жаранглайди. Зотан, ҳеч ким ҳеч кимнинг арпасини хом ўргани йўқ. Оддий, айни пайтда даҳшатли табиат ҳодисаси, жаҳолат бандалари ақл-идрокини банд этган маълум ва машҳур фалсафа ҳукми сурмоқда эди: «Ожизнинг жони эвазига кучли яшайди, азалий савдо

шу!» Ҳамма бало шундаки, ҳатто ёвузлик ҳам панжалари остида содир бўлаётган мудҳиш оқибатларни жиноят деб ҳисобламайди, у ҳар битта ҳаракатини ана шундай табиат ва жамиятнинг мангу қонунлари билан боғлаб, ўзини ҳақ деб, ҳақиқат дея эълон қилади. Унга илҳом бағишлаётган куч ҳам аслида ана шу инсон қалбининг қарғишига учраган ғайриодамий ҳақиқатлардадир.

Ҳой, мусулмонлар, тўхтанг, нима қилаяпсизлар, ахир!

Тулпорларнинг тасир-тусури, суворийларнинг оҳ-воҳлари, харобаларда бойқушларнинг нохуш қичқирғи-ю, биёбонларда бўриларнинг сурункали увиллаши билан омухта бўлиб, ялпи мусибат қўшиғини ижро этишмоқда. Дарвоқе, бу ниҳоят бўрилар «ақидаси» тантанасидан нишона эмасми! Улар ўзини ақл-идрокда тенгсиз ҳисоблаган мана шу бандаларнинг, ўзининг самовий туйғулари билан табиат қонунларига шак келтирган мана шу такаббур икки оёқли махлуқларнинг жамики маънавиятлари, жамики ҳайратлари устидан ғелибона қаҳ-қаҳа отмоқда эдилар. Табиатнинг буюк сукунатини бузишга журъат этган тириклик аталмиш мўъжизанинг бу қадар тубан, бу қадар разилона тус олиши, ҳатто парвардигорнинг ўзини ҳам чўчитиб юборган ана шу машъум синоат асосида мутлақо ақлга тўғри келмайдиган, балки ақлга ҳақорат ҳисобланган майда ҳақиқатларнинг ётиши — аламлар ичида энг улуғ алам бўлса керак.

Ҳой, мусулмонлар, тўхтанг, нима қилаяпсизлар, ахир!

Йўқ, «ғазавот» номи билан олиб борилаётган қирғинбарот жангларнинг моҳияти фақат бугина эмас. Бу ерда бир замонлар ўзида қандайдир соф маъно ташиган эътиқодлар курашининг — балойи мафсе курашига айланиб кетган шармандали қўланкаси, энг юксак идеаллар, ақидалар, таълимотлар тўқнашуви эмас, балки энг тансиқ таомлар, айиқу-ишратлар, жамики бандалар устидан ҳукмрон-

лик қилишдек ҳаром нашиданинг қулига айланган «эчки-эмарлар» тўқнашувидан иборат шармисорлик рўй бермоқ да эди. Мусулмонлар дунёсига ўт кетмасин учун олиб борилаётган «газавот» урҳосининг ўзи — мусулмонлар хонумонига тушган ўт, оллоҳ номидан битилган фатволар — тангри қаҳрига учраган имон-эътиқодсиз кимсалар томонидан қилинган яна бир даҳрийлик, «кофир» деб боши танидан жудо қилинган кишилар эса зотан юрагида чиндан ҳам худосен бор, камдан-кам, бегуноҳ мўмин-мусулмонлар эди. Барча моддият ва маънавият обидаларини яратганлар, миллат ифтихорини таъминлаганлар ҳам, «эзгулик душманлари» сифатида қатл этилганлар ҳам — ана шу юрагида имон-эътиқоди борлар, барча эзгу таълимотларни манфур манфаатлари йўлида хизмат қилдириб, ўзларини элу юрт ташвишида «сочи оқарган» қилиб кўрсатган фирибгарлар эса зоҳираи одам шаклидаги, ботинан эчкиэмарлар қавмига мансуб, неки оёқли судралиб юрувчилардан иборат тоифа эди.

Ироқ чўлларида эмас, Мовароуннаҳр сарҳадларида рўй бераётган бу фалокатни «газавот» деб атаган чоғимизда ҳам шу ондаёқ табиатан осуда ҳаёт кечирिशга мойил ва бунга тамоман ҳақли ҳисобланган, бир парча еру, чоққина бошланаси теварагида тирикчиликнинг асрий ҳамлаларига бардош бериб келаётган, тили, маданияти, дунёқарашидан қатъи назар бутун моҳияти биргина «ер фарзанди» каломида тажассум топган деҳқонлар ўртасида низо уруғларини сочиб, уларни кўз кўриб, қулоқ эшитмаган жаҳаннамий офатлар сари судраётган бу куч ҳеч қачон ўзини йнсоний виждон қаршисида соф маънодаги эътиқодлар кураши деб, эътиқодлар курашига раҳнамо куч сифатида оқлай олмаслигининг шоҳиди бўламиз. Энг аламлиси ва аянчлиси шундаки, бунда зардушт деҳқонлари «қуёш ҳаққи ҳурмати», араб деҳқонлари «оллоҳ ва пайғамбар алай-ҳиссаломโปรดасини бажо келтирмоқ учун» бир-бирлари-



ни қиришга, хонавайрон этишга, ўз биродарларининг қонига беланишга маҳкум этилган эдиларки, зотан ҳар иккала эътиқод марказида ягона таянч нуқтаси турар, фақат сувратлари турфа бўлганлиги учунгина, фақат суврат найрангига учганликлари туфайли ана шундай кечириб бўлмас жиноятга қўл урмоқда эдилар.

Ҳой, мусулмонлар, тўхтанг, нима қилаяйсизлар, ахир!

Барча дарвозалари ланг очиб ташланган юрак қалъасига тинимсиз ёғилаётган камон ўқлари, тоғларда сурон кўтаришга қодир палахмон тоилари остидан қирқ бошли илон каби сон-саносиз оғриқ сезгилари бош кўтарар экан, улар фақат мусибатни тараннум этувчи, балки фақат мусибатни тараннум айлашга маҳкум этувчи кучларга эврилиб, мангу нидолар шаклида яшай бошлайдилар. Инсон тахайюлининг бирон-бир нуқтаси йўкки, бу нидолар кўчкисидан жароҳатланмаган бўлса... Тақдир ҳукми билан зоҳир бўлаётган ана шу оғриқлар қўшини инсон қалбининг ҳамма бурчакларини, бешикда ётган боласигача шафқатсизларча талон-тарош қилади, талайди ва бу тажовуздан кейин қалб бисотида фақат улкан муножотнинг пайдар-пай аке садоси қолади, холос.

Ҳой, мусулмонлар, тўхтанг, нима қилаяйсизлар, ахир!

Йўқ, бу фақат мусибат тараннумидан иборат мотам марсияси эмас. Бизга фақат мусибат тараннуми бўлиб туюлаётган ушбу мисоини оҳанглар замирида қилни қирққа ёришга қодир зеҳну заковатимиз илғаб ололмайдиган яширин ва айни пайтда намойишкорона қалб сирлари ҳам мавжуддирки, бу эҳтимол, яна эҳтимол минг-минг йиллар давомида қон-қонинизга сингиб кетган, ўзлитимиз моҳиятидан далолат қилувчи «Турон» номи ила мухтасар улуғвор руҳнинг мангу барқарор ҳукмронлиги, о балки ғойибона таштанасидир. Дунёнинг жамики алдоқчи шарпалари — миллатлар, мазҳаблар, урҳолар, иғволар, Сулаймон пайгамбар башоратига содиқ бош кўтараётган сити

иқлимнинг етмиш мингдан зиёд ер ости унсурларигача,<sup>2</sup> барча-барчаси кўз ўнгимизда аста-секин ўз қадр-қиммати ни йўқотиб борар экан, саломат руҳ ва имон қаршисида қолган ҳамма нарсаларнинг нечоғли забун, нечоғли кемтик, нечоғли ўткинчи рўёлар эканини таъкидлаб турувчи пинҳоний ҳақиқатлардир бу эҳтимол».

Асрлар қаъридан келаётган, биз талқин этишга ожиз, талқин этганда ҳам фақат уммондан томчиларгина насиб этадиган бу нидолар ҳали ҳеч қайси бир халқ мусиқасида ўзининг мутлақ тақомилига эриша олмаган улуғвор даражасига кўтариладик, бу даражанинг ана шу мўъжазгина гижжак торларида жо-бажо бўлиши нақадар ҳайратланарли, нақадар ақлдан мосуво сеҳру синоатдир.

Сўнги оҳанглар узилди, аниқроғи гижжак торларида қалдирғочлардек тизилишиб ўтирган оҳанглар мажмун муваққат гўшасини тарқ этиб, ҳақиқий Ватани — юракларда ўз умрини давом эттираётир. Халойиқ сукут ичра фарқ. Бу сукунатни бузиш — жинойтлар ичида энг катта жинойт....

---

<sup>1</sup> Амир Саид Олимхон қабртошидаги ёзув.

Байтнинг мазмуни: Амири беватан зору ҳақирдур.

Гадо ўз юртида ўлса — амирдур.

<sup>2</sup>Ривоятга кўра, ер остидаги барча унсурлар (Менделеев даврий системасига кирувчи элементлар) Сулаймон пайғамбарга «Бизни озод эт!» дея илтижо қилишади. Шунда у: «Сизни озод этадиган замонлар келади, — деб башорат айлаган, — бироқ ўшанда қиёмат-қойим бўлгусидир».

## КУШХОНАДАГИ ЭЧКИЛАР

Бири энтак, бири тентак—бир жуфт эчки бор эди,  
Кушхонада иккисининг хизмати бисёр эди.

Қўйлар юрмас бўлса агар қатлхона тарафга,  
Илдам юриб бошламоққа беминнат дастёр эди.

Инонмаслик мумкин эмас, шаккокликка ўрин йўқ,  
Минг қилса ҳам улар эчки — қўнғироғи бор эди.

Қўйлар қолиб, чиқар эди булар бошқа эшикдан  
Хизмат ҳақи — бир тутам ўт ҳамниша тайёр эди.

Ана шундай эчкиларга бу бир касби кор эди,  
Соқоллари бўлган билан беномус, беор эди.

«Эй, қўй халқи, етар энди эргашманг эчкиларга,  
Бу минг йиллик одат эмас, минг йиллик эгёр эди.

Жонингизни берганингиз, агарчи жаббор эди  
Ва лекин бу эчки қавми тулкидай маккор эди!»

Десам, ҳатто қулоқ солмай кетиб бордилар, ҳайҳот  
Чунки менда қўнғироқ йўқ, эчкиларда бор эди.

## ТЕМУРМАЛИК МУНОЖОТИ

Эй, Фарғона — фотиҳлар дастидан қон вилоят,  
Таланган, нимталанган жигарим — жон вилоят.

Муштипарим, мунисим, кўз ёши дарёгинам  
Дунёдаги энг буюк содда виждон вилоят.

Уч-тўрт зоти бузуқни мен Фарғона демасман,  
Туркий улус таянчи, қадим деҳқон вилоят.

Оғриқ жоним, сабрни оллоҳ дариф тутмасин!  
«Сабрли бўл!» — дейман-у, ўзим гирён вилоят.

Гўё бир нотафонман, ор-номуси пайҳонман,  
Ҳайҳот, нечук инсонман, ҳолу-ҳайрон вилоят.

Сени ҳақорат айлаб, имон талаб этганлар  
Кошки билсалар эди — надир имон вилоят.

«Ўзбекчилик» илмини қайдан билсин бу зотлар!  
Ахир, бу дин — имлога кўчмас «қуръон» вилоят.

Эй, Фарғона фотиҳлар дастидан қон вилоят,  
Ўз шаънига муносиб топмаган хон вилоят...

\* \* \*

Бу дунёда тасодиф йўқ, «тасодиф» — бизга одатдир,  
Бу бир улуғ риёзиёт<sup>1</sup> эрур, балки риёзатдир.

Ани англаб етушмакка керак мантиқ оша мантиқ:  
Муҳаббатда — қабоҳатдир, қабоҳатда — муҳаббатдир.

Ажаб, Мансури Ҳалложни «куфр» деб дорга осмишлар!  
Аё Мансур каби шаффоф яна қайда ибодатдир?!

Эмиш Машраб «таҳоратни ҳақорат айлаган даҳрий»  
Вале Машраб ҳақоратга ботиб чиққан таҳоратдир.

Етолмай Каъба васлига овозсиз йиғлаюр мискин,  
Сўроқлаб каъбалар келса — ижобатли зиёратдир.

Бу олам устунни йўқ деб солурсиз бунча ғавғолар?!  
Нечун осмон саломатдир — чунки имон саломатдир.

Бу дунёда тасодиф йўқ, «тасодиф» бизга одатдир,  
Гадолар халтаси шоҳлар учун хайр-у саховатдир.

Ки андоғ режали, ғоят фасоҳатли иморатким:  
Гўдак бир киприги учса — ярим дунё харобатдир.

Бу Субҳоний эрур тавба, яна тавба ҳавосинда,  
Масалким: тавбаву ишқдин бўлак бари ҳалокатдир.

---

<sup>1</sup>Риёзиёт — олий математика.

## БУХОРОИ ШАРИФИМ

Не бўлди сенга жоним — Бухорои шарифим,  
Жаҳон ичра жаҳоним — Бухорои шарифим.

Етти иқлим имони бўла туриб, ушбу кун  
Имонга зор имоним — Бухорои шарифим.

Хўжа Исмат, Абу Ҳафс, Баҳоваддин Нақшбанд  
Улуғ балогардоним — Бухорои шарифим.

Ёндирилган, кўмилган, оқизилган, таланган —  
Китобатим — қуръоним — Бухорои шарифим.

Во шарият, тариқат, во маърифат, ҳақиқат!  
Адо бўлган урфоним — Бухорои шарифим.

Файзулланинг бўғзида қотган сўнгги каломим,  
Қадим турки забоним — Бухорои шарифим.

«Шашмақом»ни яратиб, мақомдан юз ўнгирган  
Бу нолаю-афғоним — Бухорои шарифим.

Осорлари — фатарот, мазорлари харобот,  
Қуриган Зарафшоним — Бухорои шарифим.

Тангри саховатидан маъданга бой ўлароқ  
Ўз юртида меҳмоним — Бухорои шарифим.

«Оқ олтин»дан хирмоним, қуп-қуруқ дастурхоним,  
Йиртиқ чопон деҳқоним — Бухорои шарифим.

Пайкалда рўза тутиб, аччиқ захарлар ютиб,  
Бузилган буюк қоним — Бухорои шарифим.

Етар энди бу ғафлат, кўзингни оч — қайдасен —  
Торобийдек исёним — Бухорои шарифим.

Элдан бурун Субҳоний уйқуни тарк айлаким  
Отди ёруғ субҳоним — Бухорои шарифим.

## ИСТИФФОР

Ё раббим, иқроримни қабул эт: бу сўзларим ила ёмон алаҳсирадим, умрим давомида етти мучалимга мувофиқ эмас сўзлар ила латифагўйлик қилдим, бундан-да ортиқ бахтиқаролик йўқ эса-да, муқаддас туйғуларим ҳаққи-ҳурмати, сенинг ишқингдан яралган, поёнсиз далаларда ўт юлиб, бир умр ўзининг кимлигини билмай, хўрликлар ичида бу фоний дунёни тарк этаётган гўдақларим ҳаққи-ҳурмати— истиффоримни қабул эт—гуноҳимдан кечгайсен, раббано!

Раббано, сенинг доно ҳикматларингни англамай, қалбан басир, руҳан мажруҳ ўтаётган, муқаддас СЎЗ қарғишига қолиб, мангу-тавқи лаънатингга дучор бўлиб турган бу беҳаё бандаларинг гуноҳларидан ҳам ўтгайсен, раббано.

Раббано. СЎЗни ўзингдек илоҳий қилиб яратган, ҳар нафас СЎЗдан бир мамлакатни обод, етти осмонни нурга йўғирган ва СЎЗ қарғишидан ҳам улуғ қарғиш йўқлигини муқаррар этган, ва СЎЗни мавжудотлар ичра ёлғиз инсонгагина раво кўриб ва фақат унгагина соғинган— эй, ҳар икки дунёни бор ва йўқ этгувчи муқаррам зот—ўзинг сан! Тавба ва яна юз минг таваллоларким, жамики азобларинг меҳваридида —энг улуғ азоб бўлган СЎЗ лаънати-дан бу бандангни эмин сақлагайсен, раббано!

Раббано, ато этган барча лафзларинг бунчалар барно, бунчалар зебо, бир-биридан бунчалар ҳам таманноли бўлмаса — тасаннолар сенгаким, илло турк алфозинг бунчалар ҳам раъно бўлмаса! Боболарим форсийда шеър битмиш, нечукким туркийнинг ўзи шеър!

Туркий лафзимни ўз паноҳингда асрагайсен, раббано!

Раббано, аммо сен турганда сукут сақламоқлик улуғ ҳикмат эмасми? Сукут тилида меҳр-у мадҳингни изҳор айламоқ яна ҳам улуғроқ саодат эмасми! Бу бандангдан шу буюк саодатингни дариг тутмагайсен, раббано!

## МУНДАРИЖА

Сўзбоши . . . . .	3
«Кеча ариқчадан намозшом пайти» . . . . .	4
Мағлубият . . . . .	5
«Сен адашиб кетдинг, нигор, адашиб» . . . . .	6
Олам таянчи . . . . .	7
Ишқ изҳори . . . . .	8
«Қишлоқ чекинмоқда — қулайди гужум» . . . . .	9
«Ҳар жинс ўз меҳварида» . . . . .	10
«Уруш, қий-чув, оҳ-воҳ, тўполон» . . . . .	11
«Ётоқхона, бекат, дов-дарахт, йўлак» . . . . .	12
«Анҳорда чўмилар қайноқ балогат» . . . . .	13
Содда салтанат . . . . .	14
«Бу қишлоқнинг ўрни ғалати, ҳайҳот» . . . . .	15
«Эй, сиз Бухоронинг паст кўчалари» . . . . .	16
Кеч гуллаган олуца . . . . .	17
Қадимий сўзана . . . . .	18
Отамга . . . . .	19



«Ёмон баҳо қўйди талабасига» . . . . .	20
«Бир оқшом. чўкади қишлоқ қўйнига» . . . . .	21
Денгиз тубидаги булоқ . . . . .	23
Бухоро «шашмақом»и . . . . .	24
Ширин биби муножоти . . . . .	25
Хўжа Исмаи Бухорий . . . . .	26
Амир Темур муножоти . . . . .	27
Гулбутта . . . . .	28
Гулжабиннинг изтироблари . . . . .	30
Ғазал . . . . .	33
«Фалакнинг бир қарич чегараси йўқ» . . . . .	34
Муқаттаот . . . . .	35
Ўзбек халқига . . . . .	40
Темурнинг қиличи . . . . .	42
«Менга айт ростингни: одамми ўзинг?!» . . . . .	43
«Сехрли қалпоқ» ёхуд ривоятнинг давоми . . . . .	44
Қўғирчоқ театридаги можаро . . . . .	46
Абдулла Қодирий . . . . .	48
Абдурауф Фитрат муножоти . . . . .	49
Савоб . . . . .	50
Учинчи миллат . . . . .	51
Ўттиз еттинчи йил . . . . .	52
Бухоронинг етти юлдузи . . . . .	53

Бармоқдаги ғазаллар . . . . .	55
Қушлар дунёсига саёҳат . . . . .	59
Чўли ироқ . . . . .	66
Қушхонадаги эчкилар . . . . .	75
Темурмалик муножоти . . . . .	76
«Бу дунёда тасодиф йўқ...» . . . . .	77
Бухорои шарифим ! . . . . .	78
Истиғфор . . . . .	79

Адабий-бадий нашр

Исроил СУБҲОНИИ

БУХОРОНИНГ ЕТТИ ЮЛДУЗИ

шеърлар  
бадиа

Муҳаррир — Жамол Сирожиддин  
Мусаввирлар: О. Восихонов, Қ. Норхўрозов.

Безак муҳаррири — Аҳмаджон Умаров

Техник муҳаррир — Қудрат Камолов

Мусаҳҳих — Қаҳрамон Суяр

ИБ № 4902

Босмахонага берилди 18. 09. 90. Босишга рухсат этилди 12. 02. 91. Бичими 70x90 <sup>1/32</sup>. Босмахона қоғози № 1. Адабий гарнитур. Юқори босма. Шартли босма тобоғи 2,6. Нашриёт тобоқ ҳисоби 2,4. Жами 5000 нусхада чоп этилди. Буюртма 614. Баҳоси 45 т. Шартнома № 2—91. Фафур Ғуллом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётининг Самарқанд филиали. 703000. Самарқанд, Фрунзе кўчаси, 12-уй.

Бухоро вилоят босмахонаси, 705018. Бухоро шаҳри, Октябрь 40 йиллиги кўчаси, 27-уй.

Исроил СУБҲОНИЙ.

Бухоронинг етти юлдузи. Шеърлар. С.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1991. 84 бет.

Муқаддас СЎЗ масъулияти, қалбнинг оғриқли нуқтала ри, чексизлик фалсафаси, инсон тийнатидаги жамики гўзал ҳодисалар ва илдизлари чуқур қабоҳат — Исроил Субҳоний қаламга олишга уринган мавзулар жумласидан дир.

Шеърят ихлосмандлари, мажмуани варақлаб, бунга ўзингиз ҳам амин бўласиз, деган умиддамиз.